

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

Айни шу кунларда маҳалла-кўй дошқозонлар атрофида жамулжам бўлиб, аёлларимиз, момоларимиз тунни тун демасдан, ҳеч чарчамасдан, эзгу ният, завқ ва хурсандчилик билан **инсонга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим, кўксосма ва гўжа каби тансиқ неъматларни тайёрлаб**, уларни ўз оиласи ва дўсту биродарлари билан баҳам кўриши каби отабоболаримиз, аждодларимиздан қолган бетакрор анъана ва одатларимиз юртимизга, уйларимизга кириб қолгандек, ўзимизни эса атроф-табиатимизнинг ажралмас бир қисмидек ҳис қиламиз.

Ана шу дилбар фаслда инсонларнинг бир-бирига

меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтож бўлганларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби ноёб фазилатлар албатта одамнинг кўнглини юмшатади, доим яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Наврўзи оламнинг яна бир бетакрор хислати борки, у ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда, бутун ер юзида тинчлик ва осойишталик бўлишига даъват этади.

Бу айёмда турли гина ва аразлар унутилади, уруш ва жанжаллар тўхтади, муросаи мадора, аҳиллик, одамийлик қарор топади.

Азиз юртдошлар, қадрдонларим!

Шулар ҳақида гапирганда, Наврўзнинг бундай ўлмас гоёлари, руҳи ва фалсафаси ҳозирги кун-

да тобора кучайиб бораётган қарама-қаршиликларни, турли можаро ва урушларни фақатгина сиёсий ва тинчлик йўли билан ечиш кераклигига даъват этишини, уни айнан бугунги ҳаётимизнинг энг ўткир, энг долзарб муаммолари билан узвий боғланганини яна бир бор тасдиқлаб беради.

Бизга, ўзбек халқига нима керак – тинчлик ва омонлик керак, деган даъват эл-юртимиз орасида тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг асосий маъноси – бугунги нотинч, кескинлашиб бораётган замон барчамиздан хушёр ва огоҳ бўлишни талаб этаётганини, тинч ва осуда ҳаёт учун, мана шу мусаффо осмон учун курашиш, бутун дунё билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашни билдиради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги Наврўз шодиёнамизда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизга, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Бугун катта умид ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган, ўз фикрига, замонавий билимга эга, Ватанимизнинг эртанги кунни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган сиз, навқирон ўғил-қизларимизга, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман:

биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!

Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барча-барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги гўзал айём билан қутлаб, қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий тилақларимни изҳор этмоқчиман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

УНВОН МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Элу юртимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшгани учун қуйидаги ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвони берилди.



Усманов Алишер Шарафиддинович – ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари – Касбий тайёргарлик бошқармаси бошлиғи



Темирханов Айтбай Жаксимович – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари – Тергов бошқармаси бошлиғи



Қаршиев Ҳамдам Аликулович – Қашқадарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари – Тергов бошқармаси бошлиғи



Давиров Равшан Ишқуватович – Сурхондарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари



Абдурахмонов Аловиддин Қодирхонович – Тошкент вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи

ТАЙИНЛАНДИЛАР



Подполковник Зоир Халилович АЛИКУЛОВ – Қашқадарё вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига



Подполковник Абдулла Нарзуллаевич САЙДОВ – Қашқадарё вилояти Касби тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.

Саф кўриги

Орзиқиб қутилган яшариш ва янгиланиш фасли юртимиз бўйлаб сепини ёйди. Халқимиз чексиз қувончлар билан Наврўз байрамини нишонламоқда. Байрам шодиёналари давомида эл-юрт осойишталигини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш борасида ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юклатилган. Республика ИИБ Марказий аппарати шахсий таркиби билан ўтказилган саф кўригида шу каби масалаларга эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳар ИИББ Касбий тайёргарлик марказида бўлиб ўтган саф кўригида вазириликнинг соҳавий хизматлари раҳбарлари ва шахсий таркиби иштирок этди. Унда ходимларнинг хизмат кийимини ўрнатилган тартибда кийиб юриши ва ташқи кўринишлари кўздан ке-

ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛДИ

чирилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев мазкур саф кўригини ўтказишдан мақсад, Наврўз – умумхалқ байрамини кўнгилдагидек нишонлаш мобайнида жамоат тартибини сақлаш, ходимларнинг касб маданиятига қатъий риоя этишларини таъ-

минлаш эканини таъкидлади. Бу борада соҳавий хизматлар раҳбарларига ходимлар зиммасидаги бурчини сидқидилдан бажаришларини назорат этиш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, мамлакатимизда катта тантана қилинадиган Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш чоғида барча шах-



сий таркиб хизмат интизоми ва қонунийликка қатъий амал қилиши зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, хизмат кийимини ўрнатилган тартибда кийиш, фуқаролар билан муомалада касб маданиятига амал қилиш, ходимларнинг ҳушёрлигини ва касбий тайёргарлигини янада ошириш юзасидан лозим бўлган вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Саф кўриги чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан соҳавий хизматлар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг ходимлар оркестр садолари остида шахдам қадамлар билан саф майдонидан ўтишди. Шунингдек, бу каби тадбирлар республикамизнинг барча ички ишлар идоралари ҳамда ИИБ таълим муассасаларида ҳам ўтказилди.

Иномжон РАХИМХЎЖАЕВ, сержант.

Суратда: саф кўриги жараёни.

Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган сурат.

Хашар – элга ярашар

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИЛАР

Хашар – халқимизга хос азалий қадрият. Жорий йилнинг 14-15 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия хашари катта кўтаринкилик билан ўтказилди. Баҳор айёми – Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

Умумхалқ хашари давомида ҳудудларда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўплаб мевали ва ман-

зарали дарахт кўчатлари ўтказилди, гулзорлар барпо этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Марказий аппарати ходимлари вазирлик ҳудуди ва

ҳовлисида ободонлаштириш юмушларини бажаришди. Йўлаклар супуриб-сидирилди, иш жойлари тартибга келтирилди. Дарахтлар оқланиб, шакл берилди, янги ниҳоллар экилди.

Шунингдек, жойлардаги ички ишлар идораларида ҳам умумхалқ хайрия хашари уюшқоқлик билан ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРГА САЁХАТ

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан ёши улуг инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда бир гуруҳ фахрийларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёхати ташкиллаштирилди.



Бухоро шаҳрида фахрийларни вилоят ИИБ раҳбарияти кутиб олиб, шаҳардаги тарихий

обидалар, сўнги йилларда барпо этилган иншоотлар билан таништирди. Саёхатнинг ик-

кинчи куни фахрийлар Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Мехмонларни вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник О. Раҳманов, ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, подполковник А. Розиев ва бошқалар кутиб олди.

Фахрийлар Амир Темур ва Имом Бухорий мақбаралари, Регистон ҳамда Шоҳи-Зинда ёдгорлик мажмуалари, шунингдек, бошқа зиёратгоҳ масканларда бўлиб, қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрининг бугунги гўзал қиёфасини ҳам томоша қилишга муюссар бўлишди.

Ж. ОТЕНИЯЗОВ.

Суратда: фахрийлар тарихий обидаларни томоша қилишмоқда.

Ш. СИПАДИНОВ олган сурат.

Амалиёт

БЎЛГУСИ ФАОЛИЯТГА ЗАМИН

Айни пайтда республика ИИБ Академиясининг 4-босқич тингловчилари жойларда битирув амалиётини ўтказишмоқда. Зеро, уларнинг касб сир-асрорларини пухта ўзлаштиришида амалиёт муҳим аҳамиятга эга.

Бухоро шаҳар ИИБда тингловчиларнинг малакавий амалиётига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари, фахрийлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, тингловчилар ҳамда уларнинг ота-оналари қатнашди.

Учрашувда ИИБ Академияси масъул ходими, подполковник И. Соттиев таълим муассасасида тингловчиларга яратилган шароитлар, уларнинг билим ва амалий кўникмаларини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталди. Ўқув машғулотлари ва дарсларни намунали ўзлаштириб, сафдошларига ўрнатилган келажакдаги тингловчиларнинг ота-оналарига миннатдорлик билдирди.

Учрашув давомида тингловчиларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, фарзандлари халқ тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли хизматга киришиш арафасида турганлигидан мамнун эканликларини изҳор этишди.

Бекзод УМРЗОҚОВ.

Шу кунларда биз, ИИБ Академиясининг бир гуруҳ битирувчи тингловчилари Бухоро темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБда иш ўрганиш амалиётини ўтаётимиз.

Дастлабки кундан бизга мураббийлар бириктирилиб, ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилиш зарурлиги тушунтирилди. Шунга кўра, барча қоидаларга, ўқув ва хизмат интизомига амал қилган ҳолда, кўникмаларимизни мустаҳкамлаётимиз. Бундан ташқари, темир йўл корхона ва ташкилотларида, хизмат кўрсатиш ҳудудида яқин жойлашган таълим муассасалари, маҳалларда ўтказиб келинаётган семинарлар, давра суҳбатларида фаол қатнашяпмиз.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Бухоро темир йўл вокзалида бўлиб ўтди. Йиғилишда тармоқ ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор И. Аслонов ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, барқарорликни таъминлаш ички ишлар идораларининг ҳар бир ходимдан фидойилик ва ҳушёрликни

тақозо этишини таъкидлади. Шунингдек, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хасан ШАРИПОВ, Фаррух ХУДДИЕВ, ИИБ Академияси тингловчилари. Бухоро вилояти.

Сурхондарё вилояти ИИБда ҳам ИИБ Академиясининг бир гуруҳ тингловчилари амалиёт ўташмоқда. Яқинда бошқармада уларнинг малакавий амалиётга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Тадбирга тингловчиларнинг ота-оналари ҳам таклиф этилди.

Йиғилишни вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник А. Турсунов очиб, тингловчиларга амалиёт юзасидан кенг тушунча берди. Уларнинг бу жараёнда иш ўрганишлари учун барча шароитлар яратилганини, тажрибали мураббийлар тайинланганини таъкидлаб ўтди. Тадбирда истеъфодаги подполковник Э. Қодиров, Термиз шаҳар «Нуроний» жамғармаси расиси П. Холматов тингловчиларга муваффақият тилади. Ота-оналар номидан Н. Панжиев сўзга чиқиб,

Хабар

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланмоқда. Жойларда айём муносабати билан турли тадбирлар, элимиз ардоғидаги санъаткорлар, шоир-ёзувчилар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

билан айтиб ўтди. Шунингдек, айём кунларида муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, беморлар ва кексалар ҳолидан хабар олиш сингари инсоний

САНЪАТКОР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ҳам «Наврўз — янги-ланиш ва эзгулик тимсоли» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Уни таълим муассасаси бошлиғи, полковник Х. Маматов очиб, неча асрлар давомида аждодларимиз томонидан нишонланиб келинаётган боқий байрам ўз таровати, жозибасини йўқотмасдан, янгилик қиёфа касб

этиб, халқимиз қалбидан бора мустаҳкам ўрин олаётганини алоҳида эътироф этди.

Шундан сўнг тадбир мехмони, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов сўзга чиқиб, мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз қайта тиклангани, хусусан, Наврўз байрамининг кенг миқёсда нишонланаётганини фахр

фазилатлар ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Халқимизнинг сеvimли санъаткори томонидан ёддан ўқиб берилган, юксак инсоний фазилатларни тараққий этувчи шеърлар иштирокчиларга бир олам завқ-шавқ улашди.

Файрат ИКМАТУЛЛАЕВ, капитан.

Огоҳлик – давр талаби

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Қизилтепа туманида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Туман ИИБ, туман ҳокимлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур тадбирлар уч босқичда ташкил этилмоқда.

Тарғибот тадбирларининг дастлабки босқичида тумандаги 41 та умумтаълим мактаби ва 6 та касб-хунар коллежида учрашувлар ўтказилди. Уларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш, терроризм ва диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдоси, фирибгарлик каби жиноятларга қарши курашиш мавзуларида сўз борди. Махсус видеороликлар намойиш этилиб, ёшларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Тадбирнинг иккинчи босқичи айни пайтда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтмоқда. Бу учрашувларда бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилиниши баробарида, миллий қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартишлар, қабул қилинаётган қонунлар ҳамда уларнинг мазмун-

моҳияти, аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Йиғилишлар очик мулоқот тарзида ўтказилиб, иштирокчиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли чора-тадбирлар белгилан олинаётгани эътиборлидир.

Яқинда тумanning 35 минг нафардан зиёд аҳолиси яшайдиган ҳудудларидан бири – «Хўжа Ҳасан» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳалларда ана шундай учрашувлар ташкил қилинди. Аҳолининг кенг қатлами вакиллари иштирок этган учрашувларда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ба-жариллиши лозим бўлган вазибалар ҳусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тегишли вазибалар белгилан олинди.

Шукрулло ОТАҚУЛОВ, капитан.

Навоий вилояти.



фарзандининг халқ осойишталиги-га камарбаста ходим бўлиб етишаётганидан мамнун эканлигини билдирди.

Жуманазар АНОРОВ, Сурхондарё вилояти.

ИИБ Академиясининг битирувчи босқич тингловчиларидан бир гуруҳи амалиёт ўташ учун Андижон вилояти ИИБга келишди.

— Амалиётдан кўзланган мақсад тингловчиларнинг Академияда олган билимини хизмат жараёни билан умумлаштиришдан иборат, — дейди ИИБ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник Р. Раҳмонов. — Тингловчилар тажрибали ходимлар мураббийлигида ички ишлар идораларининг барча йўналишларида малака

оширмоқда. Уларнинг 26 нафари айни пайтда жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, тергов, ҳуқуқбузарликлар ҳамда эксперт-криминалистика йўналишлари бўйича Андижон шаҳар ИИБда амалиёт ўташмоқда.

Амалиёт олдидан тингловчиларнинг ота-оналари билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Ушбу даврда тингловчилар умумтаълим мактаблари, коллежларда, шунингдек, вилоят ИИБ тарихи музейи, меҳрибонлик уйи болалари учун барпо этилган «Болалар шаҳарчаси»да ҳам бўлишди. Бундан ташқари, Асака шаҳридаги «GM-O'zbekiston» автомобилсозлик заводига саёхат уюштириш ҳам режалаштирилган.

Борис КЛЕЙМАН.

Андижон вилояти.

Муаллиф олган сурат.

Қасамёд

ВАТАН – УЛУҒ, БУРЧ – МУҚАДДАС

Эл-юрт ҳимоясини ўзи учун шараф деб билган ёш аскарлар тантанали равишда қасамёд қабул қилдилар

«Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!» Она-Ватан ҳимоясига бел боғлаган, эғнидаги ҳарбий кийим ярашиб турган мард ўғлонларнинг ўзига хос виқор ва фахр ила айтган бу сўзлари кишини тўлқинлантириб, беихтиёр кўнгилга ёқимли титроқ солади. Юрт посбонлари – аскар йигитларнинг шахду шижоатидан, зўр қатъиятидан қалбда ғурур ҳиссини туясиз. Тинчлигимиз, осойишталигимиз барқарорлиги ишончли қўлларда эканига амин бўласиз.

ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида бўлиб ўтган ёш аскарларнинг тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими иштирокчиларининг кўнглидан ана шундай ўй-мулоҳазалар ўтган бўлса, ажабмас.

Тадбирни таълим муассасаси бошлиғи, полковник Х. Маматов очиб, ўз сўзида ҳарбий қасамёд эл-юрт ҳимоясини ўзи учун шараф деб билган ўғлонлар зиммасига улкан масъулият юклашини алоҳида қайд этди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримов таъкидлаганидек, – деди полковник Х. Маматов, – ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган бизнинг халқимиз учун ҳарбий қасамёд – бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ор-номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва

Шундан сўнг билим юрти бошлиғига ўқув жараёнини таъминлаш батальони муддатли ҳарбий хизматчилари қасамёд қабул қилишга тайёр эканлиги тўғрисида ахборот берилди. Ёш аскарлар эса бирин-кетин қасамёд қабул қилишга киришди.

Шахдам қадамлар билан сафдан чиқиб қасамёд қилаётган аскарларни кўриб, бу ерда ҳозир бўлган ота-оналарнинг қалбида ҳаяжон жўш урди, кўзларида ёш пайдо бўлди. Бу қувонч ёшлари, ўсиб-улғайиб юрт хизматида шайланган фарзанди камолини кўриш, бундан бахтиёрлик ва шукроналик туйиш эди. Зеро, жондан азиз Ватан ҳимоясидан муқаддас ва шарафли бурч йўқ бу дунёда.

Аскарлар тантанали равишда қасамёд қабул қилиб бўлгач, полковник Х. Маматов, билим юрти фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник И. Бўронов, аскарлар ота-оналари номидан М. Худойбердиева муддатли ҳарбий хизматчиларни ушбу унутилмас кун билан қутлаб, дил сўзларини изҳор қилишди, эзгу ниятларини билдиришди. Муддатли ҳарбий хизматчилар номидан сўзга чиққан оддий аскар М. Гайбуллаев эса бу кун на-



шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир.

фақат ўзининг, балки барча сафдошларининг ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолиши-

ни таъкидлаб, ҳарбий қасамёдга бир умр содиқ қолишга яна бир бор ваъда берди.

...Ҳарбий оркестр садоари янграйди. Ҳозиргина қасамёд қилган аскарлар майдондан саф тортиб ўтишади. Мард ва жасур юрт ўғлонларининг ҳар бир қадамидан ўт чақнайди, юз-кўзидан кучли қатъият, юксак ишонч ва ғурур ҳисси уфуриб туради. Бу уларнинг ва ота-оналари, яқинларининг дил сўзларида ҳам ўз тасдиғини топади.

Руслан Усмонов, – Бухоро вилоятдан муддатли ҳарбий хизматга қақирилган оддий аскар:

– Қасамёд қилар эканман, қалбимда чексиз ҳаяжон, шу билан бирга, катта масъули-




ятни ҳис қилдим. Чунки у сафдошларим қаторида зиммамга юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашдек вазифани юклайди. Ҳарбий хизматни аъло даражада ўташга, она Ўзбекистонимизни ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишга қодир посбон бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қиламан.

Муборак Рустамова, – Самарқанд вилояти Иштихон тумани:

– Неварам Бобиржонга ҳарбий кийим жуда ярашибди. Айниқса, унинг қасамёд қилаётган пайтидаги қувончимни кўрсангиз эди. Шодлигимнинг чеки йўқ. Аскар

ўғилларимнинг ҳарбий хизматда янаям чиниқиб, Ватан ҳимоясига доим тайёр турадиган мард, матонатли ва фидойи инсонлар бўлиб етишишига ишонаман.

Ватан – улуг, Ватан – муқаддас. Унинг ҳимояси, дахлсизлиги, тинчлигини таъминлаш юксак шараф. Ана шундай шарафли хизматга шайланган аскарлар ҳарбий қасамёдни муқаддас билиб, ўз зиммаларига олган масъулиятни,



унутилмас кун билан қизгин муборакбод этди. Ота-оналар номидан сўз олган Н. Ҳамидов бугун армия чинакам ҳаёт мактабига, ҳарбий хизмат том маънода шарафли касбга айланганини мамнуният билан қайд этди. Шу билан бирга, ёш аскарлар муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўташлари учун барча шароитлар яратилганига миннатдорлик билдирди.

Акбар ТЕМИРОВ,
капитан.

Шунингдек, подполковник А. Қулмонов етакчилик қилаётган ҳарбий қисмда ҳам ёш аскарлар қасамёдида бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар ҳарбий қасамёд аскарнинг Ватани, халқи, Президенти олдидаги бурч ва мажбуриятини теран англашда, зиммасига юклатилган вазифаларни адо этишда фидойилик, масъулият билан ёндашишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Аскарларни она-Ватанга содиқлик учун тантанали қасамёд қилгани билан табриклаб, бўлғуси ҳарбий хизматда муваффақиятлар тилашди.

Тадбир сўнгидан санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага завқ улашди.

Жобир ҒУЛОМОВ,
сержант.

Тадбир

Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ ходимлари воҳадаги мавжуд олий таълим муассасалари битирувчи талабаларининг ёнгин хавфсизлиги хизматида оид билимларини янада бойитиш, олинган билим ва кўникмаларни келгусида ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритувчи ташкилот ва корхоналарда қўллашларига кўмаклашиш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказиш аяпти. Эндиликда улар ёнгин хавфсизлиги йўналиши бўйича турли ахборот ва қўлланмалар билан таъминланиш қаторида зарур ҳолларда маслаҳат олиш, билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишди.

Қарши давлат университети билан ҳамкорликда «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-

моҳияти, «Жойларда ёнгинларнинг олдини олиш борасида ёшларнинг ўрни» мавзуларида ўтказилган даст-

БИТИРУВЧИ ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА

лабки амалий семинар бунга ёрқин мисол бўла олади. Унда мазкур университетнинг бир гуруҳ битирувчи талабалари ҳамда ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари даставвал вилоят ИИБ ЁХБ Ёнгин техник марказидаги асбоб-анжомлар, кўргазмали қуроллар билан яқиндан танишдилар. Талабаларга бирламчи ёнгин ўчириш воқеалари ва уларни ишла-

тиш тартиблари, Ўзбекистон Республикасининг «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ушбу қонун асосида қабул қилинган Низомга асосан корхона ва ташкилотларда 15 нафардан ортиқ ишловчи ходимлари мавжуд бўлганда кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати бўлинмалари ташкил этилиши, ёнгин-

ларни ўчириш ва олдини олиш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга қодир бўлган 18 ёшга тўлган фуқаро ушбу бўлинмаларга қабул қилиниши мумкинлиги соҳа мутахассислари томонидан таъкидланди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Баҳодир ЭРҒАШЕВ,
майор.

Юксак мукофот соҳиблари

САДОҚАТЛИ ЎҒЛОН

Инсоннинг мард, жасур, қатъиятли ҳамда сабр-қаноатли бўлиб вояга етишида оилада олинган тарбия муҳим ўрин тутди. Ана шу фазилатларни ўзида мужассамлаштириб камолга етган фарзанддан нафақат ота-онаси, балки эл-юрт ҳам миннатдор бўлади.

Сурхондарё вилояти Шўрчи шаҳрида истиқомат қилувчи истеъфодаги майор Узоқ Комилов ҳамда айни кунда нафақада бўлган Зухра Ҳасанова олти фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, Ватан равнақи ва тараққиёти, осойишталиги йўлида хизмат қилувчи инсонлар этиб тарбиялади. Фарзанду неваралари куршовида бахтли ҳаёт кечираётган бу инсонларга бугун кўпчилик ҳавас қилади. Чунки фарзандларининг барчаси ахил-иноқ бўлиб, турли соҳаларда хизмат қилиб, юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Узоқ Комилов кўп йиллар вилоят ички ишлар идораларининг турли хизматларида самарали фаолият кўрсатди. Фарзандлари орасида Муҳиддин бугунги кунда юрт осойишталигини таъминлашдек шарафли касбини давом эттириб келмоқда. У Шўрчи шаҳридаги 1-умумтаълим мактабини тугатгандан сўнг, республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига ўқишга кирди. Ҳуқуқий билимларини ошириш, ўз соҳасини янада мукамал ўзлаштириш мақсадида ИИБ Академиясида ҳам сиртдан таҳсил олди.

Муҳиддин Комилов дастлабки фаолиятини Тошкент шаҳар ИИББ тезкор ҳаракатдаги полковник тезкор гуруҳ командири лавозимидан бошлади. Кейинчалик Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ бригадасида гуруҳ командири, Юнусобод тумани ИИБ ЖК ва УЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили ва бошқа лавозимларда фаолият кўрсатиб, касб сир-асрорларини ўзлаштирди, билим ва малакасини бойитиб борди.

Ходимнинг малакали мутахассис бўлишида устоз ва ҳамкасбларининг ўрни катта. Бугунги кунда Тошкент шаҳар ИИББ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлигининг ўринбосари лавозимида хизмат қилаётган подполковник Муҳиддин Комилов ҳам соҳага оид дастлабки тушунчаларни отасидан ўрганди. Оилада тартиб-интизомнинг мустаҳкамлиги лавҳамиз қаҳрамонининг келгуси фаолиятида ортиқча қийинчиликлар туғдирмади. Алоҳида эътироф этиш лозимки, истеъфодаги полковник Алишер Назиров, истеъфодаги подполковник Алишер Қодиров, Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Турсунпўлат Тошпўлатов сингари тажрибали устозларидан касб сир-асрорлари, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва тезкор қарор қабул қилиш сингари ходим учун зарур бўлган хислатларни ўрганди. Уларнинг кўрсатмалари, панд-насихатларига оғишмай амал қилди.

Оилада олинган тарбия, устозларнинг ўғитлари ўзини оқлади. Тошкент шаҳар ИИББ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлигининг ўринбосари, подполковник Муҳиддин Комилов Ватан ҳимоячилари куни арафасида Юртбошимизнинг Фармонида биноан II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Бундай хушхабарни эшитган Зухра аянинг кўзлари севинчдан ёшланди. Ватан тинчлиги, осойишталигини асрашга қодир ўғлонни тарбиялаб вояга етказганидан гурурланди. Юр-

тимиз тинчлиги, дастурхонларимиз тўкин-сочинлиги, халқимиз фаровонлигини тилаб узундан-узун дуолар қилди. Ахир ота-она учун фарзанд камоли, ютуғидан ортиқроқ бахт йўқ.

— Ўз манфаатидан халқ манфаатини устун қўядиган, ўз оромидан кечириб юрт осойишталигини таъминлай оладиган ички ишлар идоралари ходимигина ҳақиқий хурмат-эътиборга лойиқдир, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиги, подполковник Илҳом Абдуллаев. — Муҳиддин Комилов ҳар доим зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндашгани боис жамоада алоҳида хурматга эга.

Дарҳақиқат, кимки ўз касбини севиб астойдил меҳр қўйса, масъулиятни ҳис қилса хурмати ортиб бораверади. М. Комилов ҳам ҳар доим ҳамкасблари, ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакил, майор Хўжамурод Ҳайдаров, тезкор вакиллар, майорлар Абдулазим Маҳмудов ва Аваз Холматов кўмагига таянади. Зарур ҳолларда бир-биридан маслаҳатларини аяшмайди. Ҳар бир ишнинг баҳамжиҳатлиқда бажа-

рилиши эса, шубҳасиз муваффақиятларга олиб келади...

Ўтган йили тошкентлик С. Исмолова ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат этди. Унда айтилишича, у ўзини «Наташа» деб таништирган қиз билан бир-икки марта қаҳвахонада учрашади. Улар бири-бирига анча кўниқиб қолгандан сўнг Наташа уни қўшни республикага бориб ишлашни тавсия қилади. Қўшни давлатда уни ўзини «Гая» деб таништирган шахс кутиб олиб, фуқаролик паспортини олиб қўяди ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этади. Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари довомида қабиҳ ишга қўл урган кимсалар ушланиб, қилмишига яраша жазога тортилди.

Баъзи жиноятчилар манфур режаси амалга ошгандан сўнг, энди мени ҳеч ким тополмайди деб, хомтама бўладилар. Йўқса, тошкентлик Р. К. қинғир ишга қўл урмаган бўлармиди? Жиноят содир этгани учун қидирувда бўлган Р. К. тезкор хизмат ходимлари томонидан қўлга олинди. Энди у қонун олдида жавоб беришга мажбур. Бу каби жиноятларнинг фош этилишида подполковник М. Комиловнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Унинг хизмат фаолиятдан бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Вақт оқар дарё, дейишади. Кечagina шогирд бўлиб ички ишлар идораларига хизматга кирган Муҳиддин Комилов бугун ёшларга устозлик қилиб келаётир. Унинг капитан Азиз Иноятов, майор Шохруҳ Маъмуржонов сингари кўплаб шогирдлари уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишдек масъулиятли вазифани шараф билан бажариб келмоқда.

М. Комилов айни кунда турмуш ўртоғи Нигорахон билан уч нафар фарзандни тарбияламоқда. Кези келиб улар ҳам отаси сингари юрт осойишталиги, равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шерзод АБДУШУКУРОВ.

Эъзозга муносиб инсонлар

«Қариси бор уйнинг париси бор, париси бор уйнинг бариси бор». Халқимизнинг бу ҳикмати бежиз айтилмаган. Зотан, ёши улуг инсонлари, нуроний отахону онахонлари бор оилада, албатта, файз, қут-боирак, аҳиллик, фаровонлик бўлади. Шу боис оилалардаги тинч-тотувликни, жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга бемисл ҳисса қўшган, қўшаётган мўтабар кексаларимизни қадрлаш, уларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Кексаларни эъзозлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири саналади. Бу эзгу фазилат, айниқса, мустақиллик йилларида янада изчиллик касб этиб, хайрли аънамага, савобли ишга айланди. Бугун юртимизда қарияларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароитлар яратилмоқда.

си, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Раҳмат Тўхтаев ҳам бор.

Бу йил 92 ёшни қаршилаган Раҳмат ота ҳаёт аталмиш мактабдан кўп сабоқ олди. Унинг болалик йиллари оғир, заҳматли меҳнат остида ўтди. Эндигина йигитлик палласига қадам қўйганида эса уруш бошланиб, фронтга отланди.

ота касбини танлашди. Катта ўғиллар – Ниғмат ва Шухрат Тўхтаевлар кўп йиллар ички ишлар идораларида турли лавозимларда фаолият кўрсатишди, обрў-эътибор қозониб, нафақага чиқишди. Кенжа ўғил Шавкат Тўхтаев эса ҳали-ҳамон эл-юрт тинчлиги йўлида астойдил хизмат қилапти.

– Бугун давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун» деган тамойил ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ўз аксини топмоқда, – дейди отахоннинг катта қизи Тамара опа. – Айниқса, кексаларнинг қадрли баланд. Уларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиляпти. Юрт-

ҲАЁТИ ИБРАТ ОТАХОН



Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Ватанимизнинг мусаффо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмаслик, она юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшгани, мамлакатимизни тиклаш, унинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маънавий салоҳиятини оширишда нуроний кексаларимиз намоён этган фидойиликни биз ҳаммиса катта миннатдорлик билан эслаймиз», дея алоҳида таъкидлаб ўтишининг ўзиёқ нуронийларга бўлган юксак эътибор, эҳтиромнинг ёрқин намунаси.

Бугун юртимизда ҳаётдан миннатдор бўлиб шукроналик билан яшаётган табаррук бобо ва момоларимиз кўп. Ҳар сўзи ҳикмат, босиб ўтган ҳаёти ибрат бўлган ана шундай пиру бадавлат кексаларимиз орасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчи-

– Урушнинг оти ўчсин, болам, – дейди отахон. – Ўзим гувоҳ бўлдим, ахир, урушда инсоннинг чивинчалик ҳам қадрли бўлмайди. Шунинг учун тинчликнинг, осойишта ҳаётнинг қадрига етиш керак. Бундай кунларга шукур қилиб яшаш, нафақат шукур қилиб яшаш, балки тинчлик учун курашиш, уни худди кўз қорачиғидек асраб-авайлаш лозим.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўп тотиб кўрган отахоннинг бамаъни суҳбатидан кўнглингиз равшан тартади, инсонийликдан сабоқ оласиз. Истиқлол ато этган бугунги дориламон кунларини биз ҳаммиса катта миннатдорлик билан эслаймиз», дея алоҳида таъкидлаб ўтишининг ўзиёқ нуронийларга бўлган юксак эътибор, эҳтиромнинг ёрқин намунаси.

Ҳа, кексаларнинг бой ҳаётий тажрибаси умр йўлларимизни йўлчи юлдуз мисоли ёритади. Раҳмат отанинг тарбияси, панду ўғитларидан баҳраманд бўлган фарзандларининг ҳеч бири кам бўлмади. Қизлари Тамара, Мунира шифокор ва ўқитувчи бўлиб етишди. Ўғиллари эса

бошимиз Фармони билан бу йилдан санаторийларда бепул дам олиб, соғлигини мустаҳкамлаш имконияти яратилганини эшитиб, отам жуда хурсанд бўлди. Ҳар доим, айниқса, байрамларда ички ишлар идоралари ходимлари келиб, отанинг ҳолидан хабар олишади.

Раҳмат ота, юқорида айтганимиздек, ҳаёт заҳматларини кўп тотган. Лекин у кишининг тетиклигига, кучли хотирасига барчанинг ҳаваси келади. Ҳаётий фалсафаси эса ҳар биримиз, айниқса, ёшлар учун асқотиши шубҳасиз.

– Инсон ҳаётини Ватанга бўлган муҳаббат, одамларга қилинадиган яхшилик, қолаверса, тўғрилиқ ва ҳалоллик безайди, – дейди Раҳмат ота суҳбатимиз сўнгида. – Бу ҳақда невараларимга, ёшларга уқтираман. Тагин тинчликнинг қадрига етинглар, деб бот-бот айтаман. Зеро, тинч ва барқарор юртдагина бахтиёрлик, фаровонлик бўлади.

Камол ОЛЛОЁРОВ.
Шавкат ҚАҲҚОРОВ
олган сурат.

Сайлов – 2015

ҲАР БИР САЙЛОВЧИНИНГ ОВОЗИ МУҲИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси тобора қизғин паллага кирмоқда. Участка сайлов комиссиялари сайловчилар рўйхатини тузиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

ЎЗА мухбири сайловчилар рўйхатини тузиш ва овоз бериш жараёнлари ҳақида сўзлаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Жалил НОРОВга мурожаат қилди.

– Сайловчилар рўйхатини тузиш қандай амалга оширилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

– «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудда доимий истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади. Сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас.

Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ҳамда

рўйхатни комиссия раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакиллари рўйхат тузиш ишида қатнашишга жалб этиши мумкин.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайди ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни беради.

– **Фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилмаган бўлса, нима қилиши керак?**

– Сайловчилар рўйхатини тузиш кенг қамровли жараён бўлиб, айрим фуқаролар



баъзи сабабларга кўра ушбу рўйхатга кирмай қолиши мумкин.

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин ҳамма танишиб чиқиши учун такдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносидан сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганлигини текшириш имкони таъминланади.

Сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сай-

ловчилар рўйхати иловасига киритилади. Рўйхатга киритилмаган ёки нотўғри киритилган, рўйхатдан чиқарилган, шунингдек, ўзи тўғрисидаги маълумотлар нотўғри кўрсатилган сайловчилар бу ҳақда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, аризани участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов куни дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритиши ёки аризага унинг талаби инobatга олинмаганлиги тўғрисидаги асослан-тирилган қарорнинг бир нусхасини бериши шарт.

Комиссия қарори устидан туман (шаҳар) судига сайловдан камида уч кун олдин шикоят қилиниши мумкин, туман (шаҳар) суди шикоятни икки кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбур. Туман (шаҳар) судининг қарори қатъийдир. Участка сайлов

комиссияси суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига дарҳол тузатиш киритади.

– **Сайловга таклифномалар ким томонидан тайёрланади?**

– Сайловда иштирок этиш учун таклифномалар Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланади ва участка сайлов комиссияларига етказиб берилади.

– **Хориждаги фуқароларимизнинг овоз бериш тартиби қандай?**

– Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида ҳар бир фуқаронинг сайлаш ҳуқуқи кафолатланган. Хусусан, Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ва тегишли сайлов округига бириктириш тўғрисида»ги қарорига му-



вофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги 44 ваколатхонаси ҳузурида участка сайлов комиссияси тузилган. Хориждаги фуқароларимиз мазкур сайлов участкаларида овоз беришлари мумкин.

– **Овоз бериш куни сайловчи сайлов участкасига паспорт билан бориши шартми?**

– Албатта, паспорт билан келиши шарт. Сайлов қонунчилигида кўра, ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

**ЎЗА мухбири
Сардор ТОЖИЕВ
суҳбатлашди.**

Қонунчилик тарғиботи

МУРОЖААТ ЭТИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШДИ

Демократик кадрларнинг қарор топиши, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, авваламбор, фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатлар нечоғлик тартибга солинганлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар эса ўзининг туб мазмун-моҳияти билан шунга хизмат қилмоқда. Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари акс этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштирди. Қонунда шунингдек, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам ҳуқуқий тар-

тибга солинди. Ушбу соҳадаги қонунбузилиши учун жавобгарлик белгиланиб, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартиби аниқлаштирилди.

Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйилдиган талаблар белгиланди. Айниқса, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамланди. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, кўрмай қолдириш асослари, уларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилишга оид қоидалар ҳам ўз ифодасини топди.

Янги қонун аввалги

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонундан бир қатор фарқлари билан аҳамиятли. Жумладан, юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатлари илгари қонун йўли билан тартибга солинмаган эди. Электрон мурожаат қилишнинг ҳуқуқий асослари қайд этилди. Бу билан юридик ва жисмоний шахслар белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли идора ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиши мумкинлиги белгилаб берилди.

Давлат органларининг қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслар ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни

рад этишга ҳақли эмас. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида такдим этиши шарт.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қонунда мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари ҳам белгиланган. Унга кўра, аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар

кўриб чиқилмайди. Аноним мурожаатлар деганда жисмоний шахсларнинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахсларнинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар тушунилади.

Дарҳақиқат, мазкур қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини белгилайди. Давлат органларининг ушбу соҳадаги ишини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтаришга ҳуқуқий замин яратади.

**Акмал АБДУРАИМОВ,
майор.
Навоий вилояти.**

ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Хаётда ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Хўш, боланинг ёмон йўлга киришига, тўғри йўлдан адашиб хаётда қоқилишига нима ёки кимлар сабабчи бўлади? Бунга бош сабаб қилиб, носоғлом турмуш тарзи — отанинг фарзандлари тарбиясига салбий таъсирини айтишимиз мумкин. Бундан ташқари, катталарнинг вояга етмаганларни назоратсиз қолдириши, эътиборсизлиги, маҳалла-кўйнинг бола тарбиясига дахлдорлик ҳиссини туймаслиги ҳам омил бўлиши мумкин.

БАРКАМОЛЛИК ПИЛЛАПОЯСИ

Элликқалъалик Б. Аметов агроиктисодиёт коллежида тахсил олаётган ўғли Умиддан келажакда ўқимишли инсон бўлишини эмас, балки хорижа бориб мўмайроқ пул топишини умид қилди. Эҳтимол, чет элга ишлагани кетган фарзандининг ёшлиги ва у ердаги оғир меҳнат шароити отани қизиқтирмагандир ҳам. Аммо бундан воқиф бўлган Элликқалъа тумани ИИБ ХООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи ходимлари масалага беътибор қараб туришаолмади. Фарзанди тарбияси ва ўқишига бепасанд бўлган отага нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чора кўрилиб, тўпланган ҳужжатлар туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясига тақдим этилди. Ўсмир эса ўқишга қайтарилди.

Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари барчага аён. Мутасадди ходимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли профилактик тадбирлар олиб борилаётганига қарамасдан, таассуфки бунга панжа орасидан қаровчи шахслар

ҳамон учраб турибди. Коллеж ўқувчилари Д. Исо ва Ш. Руқиянинг турмуш қуришига ҳам уларнинг оналари — Т. Илҳомова ва С. Солиева ташаббускор бўлган. Айти пайтда уларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Бериуний туман судига тақдим қилинди.

Элликқалъа туманида 71 та мактаб, 6 та касб-хунар коллежи ва битта академик лицей мавжуд бўлиб, уларда жами 23 минг нафардан зиёд ўқувчи тахсил олади. Туман аҳолисининг 55 минг нафардан ортигини вояга етмаганлар ташкил этади. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, комил инсон бўлиб етишишни таъминлаш учун соҳа ходимлари томонидан зарур чора-тадбирлар кўриломоқда. Бу борада туман ИИБ ХООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси гуруҳи инспекторлари — майор Шарофаддин Нуримов, капитан Мухтор Жуманиязов, лейтенант Элдор Ходжаниязов ва сержант Шарофаддин Чимбергеновнинг хизмати таҳсинга лойиқдир.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.
Қорақалпоғистон Республикаси.

ФАОЛЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА

Ўтган йили Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Барлос маҳалласида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Аниқроғи, бир марта тан жароҳати етказиш ҳолати қайд этилди. Ушбу ҳолат икки томоннинг ярашиши билан якун топди.

Салкам олти минг нафар аҳоли яшайдиган ушбу маҳаллага профилактика инспектори, катта лейтенант Самандар Фозилов хизмат кўрсатади. Унга ҳудудда

ганлиги ҳам муҳим омил бўлаяпти.

Маҳаллада битта касб-хунар коллежи, учта умумтаълим мактаби, бир неча хусусий корхона жойлашган.



тинчлик-осойишталикни таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Файзиев, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Тўлқин Худойбердиев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Жамила Нормуродова, кўпни кўрган оқсоқоллардан Насриддин Худойбердиев ва бошқалар яқиндан ёрдам беришади. Улар яқин ҳамкорликда ишлашларида милиция таянч пункти билан маҳалла идорасининг бир бинода жойлаш-

Худудда тўрт нафар муқаддам судланган шахс истиқомат қилади. Уларнинг барчаси иш билан таъминланган. Бу борада инспекторнинг кўнгли тинч. У аҳолининг каттаасидан кичигигача барчасини яхши билади.

Самандар гоҳида иш билан бўлиб кечаси алламаҳалгача идорасида қолиб кетади. Бундан ҳеч ҳам оғринмайди. Чунки ўзи хоҳлаб шу соҳани танлаган. Дастлаб Фарғонадаги ҳарбий лицейни битирди. Сўнг ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида тахсил олди. 2010

йилдан буён Иштихон тумани ИИБда профилактика инспектори вазифасида хизмат қилаяпти. Эндигина фаолиятини бошлаган кезлари устозлари — подполковник Нарзулло Ҳасанов, капитанлар Умид Шукуров ва Сайфитдин Бўроновдан соҳанинг сир-асрорларини ўрганди.

Бу воқеа бундан икки йил бурун юз берган эди. С. Фозилов маҳалла фаоллари билан хонадонма-хонадон айланиб юрган эди. Шунда ҳовлилардан бирида кўздан пана жойда кўкнор борлигига кўзи тушиб қолди. Хонадон соҳиби ўз уйда гиёҳвандлик воситаси сақлагани учун жавобгарликка тортилди. Ўтган йили эса инспектор кидирувда бўлган уч нафар шахсни қўлга олди.

Катта лейтенант Самандар Фозилов ёш ходимлигига қарамай масъулиятли вазифасини бемалол уддалаяпти. Ўзи хизмат кўрсатаётган маҳалла ҳудудида ҳамisha тинчлик-осойишталик таъминланишига эришяпти, — дейди Иштихон тумани ИИБ бошлиғи, майор Шерзод Кўзиев.

«Бола бошдан» дейишади. Лавҳамиз қаҳрамони ҳозирдан ўзининг интилувчанлиги, фидойилиги билан раҳбарларнинг назарига тушибди-ми, бу ёғига ҳам хизматни асло бўшаштирмаслигига ишонамиз.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

Самарқанд вилояти.

Суратда: профилактика инспектори, катта лейтенант Самандар Фозилов хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

«101» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 200 та ёнғин қайд этилди. Турли сабабларга кўра содир бўлган ёнғинларда икки нафар фуқаро тан жароҳати олиб, олти киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу ёнғинлардан 1 млрд. 192 млн. сўмдан ортиқ қурилиш материаллари ва 1 млрд. 273 млн. сўмга яқин моддий бойликлар сақлаб қолинди.

Қўлбола иситиш печи назоратсиз қолдирилиши оқибатида Фарғона вилояти Учкўприк туманида яшовчи Х. Эргашевнинг хонадониди ёнғин содир бўлган. Натижада уйдаги жиҳозлар, том ҳамда шифт қисми ёниб зарарланган.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида яшовчи фуқаро Р. Зокиров уйда маст ҳолда сигарет чекиб ухлаб қолади. Сигарет чўғи ўринга тушиши оқибатида уй жиҳозлари ёниб кетган. Ёнғ ачинарлиси, ёнғинни ўчириш вақтида Р. Зокировнинг куйган ҳолдаги жасади топилган.

Қува туманилик О. Темирова ошхонасидаги газ плитаси жўмрагидан сизиб чиққан газ ҳидини сезмаган ҳолда гугурт чаққан вақтида тўпланган газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши содир бўлган. Натижада О. Темирова қуйиш тан жароҳати олган ва уй жиҳозлари ҳамда том ёниб зарарланган.

Боевут туманилик Д. Фармоновнинг хонадониди иситиш печининг мўриси тўлиб қолгани сабабли олов ичкарига уриб, ёнғин содир бўлган. Бу бепарволик оилага анчагина моддий зарар келтирди. Уйнинг томи, шифти ва бир неча жиҳозлари ёниб кетди.

Хурматли юртдошлар! Иситиш печлари, электр асбобларини вақти-вақти билан кўздан кечириб туриш зарур. Носозлик сезилганда, мутахассисларга мурожаат қилишни пайсалга солманг. Эътиборсизлик қимматга тушишини ҳеч қачон эсдан чиқарманг.

Жалолиддин ҲАКИМОВ,
майор.

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

БОСҚИНЧИЛАР ҲИБСДА

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида яшовчи фуқаро А. Катянинг уйига уч нафар шахс бостириб кириб, кекса онасига жароҳат етказди ва 175 минг сўм пул ҳамда бир неча уяли телефонларни олиб кетишади. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ушбу босқинчиликни олмаликлик муқаддам судланган К. Артём, Г. Евгений ва К. Дамир содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

ХУШЁРЛИК ПАНД БЕРМАДИ

Ярим тунда Жиззах вилояти Арнасой тумани ҳудудида бир бош қорамолни етаклаб кетаётган уч нафар шахс шу ҳудудда хизмат олиб бораётган ички ишлар идоралари ходимлари эътиборини тортди. Ходимлар улар билан суҳбатлашганда қаттиқ хавотирга тушиб, ўзларини фош қилиб қўйишди. Ўғрилланган қорамол эгасига қайтарилди. Улар эса терговга жалб қилинди.



ЗЎРАВОН ҲАМҚИШЛОҚ

Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Дурбеш қишлоғи К. Вадим ҳамқишлоғи К. Турсун билан жанжаллашиб, ўзидан ёши анча катта бўлган қўшнисини ҳақоратлайди ва унинг бошига тош билан уриб жароҳат етказди. Ҳолатдан хабар топган ички ишлар идоралари ходимлари жабрланувчини шифохонага жўнатишди, зўравонга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.



ТУМШУФИДАН ИЛИНГАН ТАЛОНЧИ

Қўқонлик С. Шавкатнинг йўлини кутилмаганда номаълум кимса тўсиб чиқиб, унинг қўлида бўлган икки миллион сўмдан ортиқ пул солинган пакетни тортиб олиб қочиб кетади. Ҳолатни атрофлича ўрганган, суриштирув ишларини олиб борган ички ишлар идоралари ходимлари кўп ўтмасдан талончини қўлга туширишга муваффақ бўлишди. У Фарғона вилоятилик Р. Омон экан. Энди у қилмиши учун қонун олдида жавоб бериши тайин.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Шоирлик табиати инъом этилган инсонлар ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисаларни синчков кўз билан кўради. Биз – оддий одамлар пайқаман гўзаллик уларнинг назаридан ўтар экан, ҳар бир япроқ, шилдираб оқаётган жилға, кўнгилни яшнатаётган чечак сеҳрли жозиба касб этади. Деразаси олдида ўрикнинг оппоқ бўлиб қоядаги кўёшга бир сават оқ гул кўтарган наъма-так ирода рамзини англатади. Баҳорнинг илиқ лаҳзасидан шоир қалби қувончга тўлади, она табиатдаги нозик уйғониш уни юрт билан бизнинг ўртамаздаги таржимонга айлантиради. Элимизнинг суюкли шоири Чўлпонни ана шундай таржимон сифатида таниймиз. Беназир Ўзбекис-тонимизга бўлган муҳаббат унинг ҳар шеърида, ҳатто «Кеча ва кундуз» каби насрий асарида ҳам уфуриб туради.

Халқимизда йил фасллари, деҳқончилик ва чорвадорлик тақвими билан боғлиқ мақоллар жуда кўп. Аҳмон-дахмон, хут-ют, аямажиз, тўқсон, қирқ, лайлак қор, мезон каби сўзлар ўзбек тили лугат бойлигидан бежиз муқим ўрин эгалламаган. Айнан ана шу тушунчалардан бирини Чўлпон «Кеча ва кундуз» романидаги «Кеча» қисмига эпиграф қилиб олади: «Ҳамал келди – амал келди». Одатда эпиграф асарни ёзишдан назарда тутилган мақсад моҳиятини ифодалайди. Адиб бу ўринда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар миллат ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган эминликка олиб келишига умид қилган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда романинг биринчи жумласиниёқ «Ҳамал келди – амал келди»нинг мантиқий давоми сифатида қабул қилиш мумкин.

Маълумки, ҳамал ойи қуёш йилининг 22 мартдан 21 апрелгача давом этади. Мақолни қўллаш билан адиб ўзининг Наврўз айёмида бўлган муносабатини ифодалагандек бўлади. Ҳатто маълум жиҳатдан икки қисмдан иборат йирик асарини Наврўзга бағишлагандек туйилади. Ва у назарда тутган Наврўз биз ўйлаган баҳор айёмидан кўра чуқурроқ фалсафий маъно ифодалаши билан диққатни тортади. Романдаги биринчи жумлага назар ташлаганимиз заҳоти Чўлпоннинг фасллар тизимидаги илиқлик ҳаётга таъсир қилишини хоҳлагани аниқ сезилади: «Ҳар йил бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитқилай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди...»

Насрий романдаги пейзаж-табиат тасвирини ёзишда ёзувчи адиблик маҳорати билан рассомлик хислатини уйғунлаштиради. Энди, у адибда шоирлик фанлиги ҳам мужассамлашса, мумтоз бир санъат асари вужудга келади. Чўлпон пейзажида ана шу хусн ҳам намоён бўладики, натижада «Кеча ва кундуз»ни ўқиган мухлис насрий шеърини асар сифатида баҳолайди. Бу ҳолатга ўзингиз амин бўлишингиз мумкин: «Толларнинг кўм-кўк сочпуклари қизларнинг майда ўрилган кокиларидай селкиллаб тушмоққа бошлади. Муз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг ғамли юзлари кулди... Бултур экилиб кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб

лар, чечаклар, дарахтлар янгидан ҳаётга қайтади. Инсон қалбида ҳам руҳий уйғониш содир бўлади. Натижада рамзлар нуқтаи назаридан табиат ва инсон хатти-ҳаракатлари уйғунлашади. Дастлаб инсон қиш зулматидан зерикиб баҳорни соғиниш ҳиссини туйди. Бу пайтда ҳали қора қор ҳукми ўз мавқеини йўқотмаган бўлади:

**Қора... қор...
Заҳарли ниналар каби
Кўзларга қараб оқар...**

Қишнинг зулми бутун атрофни ғамгин бир мусиқа оҳанги билан қамрайди.

**«Гўзалликни севдим» –
деган эркинлар,
Кўриб туриб уялмайлар.
Ўлмайлар!**

**Наврўз кунини
эрксизларга эрк берар,
Ўзбек қизи эркин кунда
бўшалмай,
Зиндон каби тор уйдан
чиқолмай,
Борлигини кенг дунёга
отолмай
Чин эрк кунини кута-кута
телмирар.**

Чўлпон шеърияти билан танишган китобхон унинг мўъжизавий шеъриятида баҳор, Наврўз, шеърият ва ўзбек қизи тушунчалари бир

Озод ака шоирнинг умидлари ҳақида гапириб берган эдилар: «Шоирлар, – деган эдилар у киши, – биздан кўра умидлироқ бўлади. Ҳар қандай оғир дамларда ҳам умид уларни тарқ этмайди». Ҳақиқатан ҳам, Чўлпон лирик меросини ўрганар эканмиз, мисралар мазмун-моҳиятини «Умид» деган буюк орзу ташкил этганига амин бўламиз. Мана, унинг «Кўклам келадир» шеърини олайлик:

**Кўклам ойм йўлга чиққан,
кўклам ойм кўзгалган,
Кўк кўйлакнинг битишига
унча ҳам кўп қолмаган.**

**Қип-яланғоч дарахтлар ҳам
кучок очиб, кўз тутиб,
Кўк кўйлакнинг битишини
чидамасдан кутурлар.**

**Қарғалар ҳам қишда қилган
гуноҳларини унутиб,
Узр айтмасдан, индамасдан,
учиб-учиб кетарлар.**

**Кўнгиллар ҳам ҳаволардек
кўклам ҳиди берсайди,
Дилларга ҳам ҳаволардек
кўклам руҳи кирсайди!..**

Ана энди ўзингиз фикр юритиб кўринг. Шоир «кўклам» сўзи заминига қандай маъно сингдирган экан. Асрлар давомида қисмати меҳнат бўлган ўзбек ҳаётидаги бўлғуси «кўклам»ними? Табиатдаги «қора қор» зулмидан кейин киядиган кўк кўйлакними? «Қарғалар» – улар кимлар... «Гуноҳларини унутиб, узр айтмасдан, индамасдан учиб-учиб» қаёқларга кетади улар. Ва, ниҳоят, яна асл мақсадга қайтилади. Кўнгилларнинг кўклам ҳидини беришига, дилларга кўклам руҳини киришига умид билдирилади. Лирик шеърнинг мўъжиза экани ҳам шунда: шоир ўз кўнглидаги андуҳни тўкаверади, ҳар ким унинг айтганларини ўзича тушунаверади, ўзича англайверади.

Хуллас, Чўлпон ўз шеъриятида баҳор мавзусига алоҳида меҳр-муҳаббат билдирган. Фақат баҳор мавзусини шеъриятдаги рамзга суяниб Наврўз айёми ёки эркинлик ва озодлик маъносида тушунишни ўз ўқувчиси ҳукмига ҳавола қилган. Чунки келажакка умид билан қараш шоир лирикасининг моҳиятини англаган.

Ниҳоят, мана ўша умид қилинган кунларга бизлар эришдик. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қадриятларимиздан бири – Наврўз алоҳида байрам сифатида нишонланаяпти. Айём муносабати билан муҳтожлар кўнгли олинмоқда, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Истиклол Наврўзи барчанинг қалбига шодлик, қувонч бахш этиб, орзуларни рўёбга чиқараёпти. Шу кун қилинган барча ниятлар йилга татимокда. Бундай бетакорор дориламонлик яна қаерда бор?..

**Омонулла МАДАЕВ,
доцент.**



НАВРЎЗ

чикди...» Биринчи саҳифадаги ёзилганларни ўқир эканмиз, кўзимиз олдида ўзимизнинг баҳоримиз ўта бошлайди, роҳатланамиз. Ва яна ўқишда давом этамиз: «Эркакларнинг гулли дўпписига тегмай, яланг аёллар билан, уларнинг сочлари, гажаклари ва рўмол попуқлари билан ҳазиллашиб ўйнаган салқин шабада... кўклам нашъаси билан шўхлик қилади.

Ҳаёт нега бу қадар гўзал ва ширин бўлади баҳорда?» Юқоридаги мисраларни эпик асар эмас, ҳеч иккиланмай лирик туйғулар намунасидек қабул қилиш мумкин эмасми?! Шунда бехос ўйлаб қоласан. «Сувларнинг ғамли юзлари кулди»ни, «кўп қошларни қорайтирган ўсма»ни, «яланг аёллар билан, уларнинг сочлари, гажаклари ва рўмол попуқлари билан ҳазиллашиб ўйнаган салқин кашф қилди? Бу қадар нафис тасвир қандай вужудга келди? Ва шу заҳоти жавоб топгандек бўламиз: «Ахир Чўлпон – шоирку».

Чўлпон шеъриятидаги баҳор тасвирида шеърият муҳлисини ҳаяжонга соладиган асосий гўзалликлардан бири яратилаётган лавҳадаги ҳар бир лирик образнинг жонли ифода этилишидир. Аввало шоир тасавурида табиат кўп жиҳатдан инсонни эслатади. Наврўз айёмида майса-

Қаерга қараманг, мунгли кайфият ҳукм суради:

**Дала – туз, экин-тикин...
Ғамгин-ғамгин
сўла бошлади.
Сарғайган япроқ,
Бўяниб тупроқ
Ўла бошлади,
ўла бошлади.**

Аммо сиз бу вазиятнинг ўткинчи эканига умид қиласиз. Умид қиласиз эмас, бутун вужудингиз билан ишонасиз:

**Йўқ: ўлим йўқдир!
Ёлғиз бир учиб...
бир сўниш бордир!
Бир учиб, сўниб...
яна ёниш бор,
Яна баҳорлар,
яна лолалар,
Яна сиз, эй,
эркин далалар!..**

Шоирнинг мазкур мисраларини ўқир экансиз, уларнинг ёзилиш пайтидаги Чўлпон кайфиятини, юзидаги алам ва шодликни тасаввур қилишга урининг. Биз адолатсизликни кўрганимизда бир ғамга ботамиз, афсуслар тортамиз. Лекин шоир бундай шароитда ўлимларига рози бўлиб кетади. Ҳатто айнан шу дамда жон таслим қилмаганидан ачинади ҳам. Йўқса, «Наврўз кунда» деб аталган шеърида мана бундай мисраларни ёзармиди?!

бутун маънога жамланиб уйғунлашганига ишонч ҳосил қилади. Аввало бу тушунчаларнинг ҳаммаси эрка интилади. Озодлик уларнинг ҳаёт мазмунидан иборатдир. Сохталик эса уларни кишанлайди, тўйиб-тўйиб нафас олишдан маҳрум этади. Шоир яшаган замон эса уялмасдан «Гўзалликни севдим» деган замон эмасми? Эҳтимол, шунинг учун ҳам «Баҳорни соғиндим», «Наврўз кунда», «Чечак», «Бинафша», «Яна Зарафшон» шеърлари мантиқан баҳор айёмини мадҳ этишга бағишлангандек туюлса-да, уларда ички дард, андуҳ, алам аниқ сезилади.

Устоз Озод Шарафиддинов билан яқин ярим аср давомида бўлиб ўтган суҳбатларимизнинг аксари Чўлпон шеърияти, насри ҳақида кечган. Озод ака ҳақиқий маънодаги шеърият билан яшаган инсон эди. Биз ўқиган гуруҳ талабалари Чўлпон шеърларини Озод акадан оғзаки тарзда ёд олганмиз, десам, бу бор ҳақиқатдир. 1990 йилда устоз ҳамроҳлигида атайин юртимиздаги ўрик гуллари томоша қилгани Фарғона водийсидаги Рофқон қишлоғига борганмиз. Сафарда ҳам Чўлпон баҳори тафсилотлари юзасидан фикр алмашганмиз. Шунда

Маърифат ва сиёсий ўқиш

ХИЗМАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Мамлакатимизнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, қонун устуворлигига эришиш ички ишлар идоралари ходимларининг муқаддас бурчидир. Шу муносабат билан Ватан Ҳимояси, юрт тинчлиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олижаноб, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган фидойи, виждонли ходимларни тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки бугунги мураккаб шароитда ички ишлар идоралари ходимларининг халқ орасидаги нуфузини кўтариш, унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш бевосита ана шу жиҳатларга боғлиқ.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат самарадорлигини белгилловчи омилларни, шунингдек, ушбу фаолиятнинг психологик жиҳатларини таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали бу фаолиятни такомиллаштиришнинг психологик механизмларини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш давр талабидир.

Ҳар қандай инсон кундалик ҳаётида турли одамлар билан учрашиб, мулоқотга киришади. Бу жараёнда икки томон ўзининг ички руҳий оламини намоен қилади. Ана шу руҳий ҳолатларнинг барчаси инсон психикасини ташкил қилади.

Тизимда фаолият юритаётган барча соҳа вакиллари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хизмат фаолияти улардан турли тоифадаги шахслар билан учрашиш, мулоқотга киришиш заруратини келтириб чиқаради ва ходимлардан чуқур психологик билимларни талаб қилади.

Шундай экан, жамиятда ва унинг бир бўлаги бўлган ички ишлар идоралари жамоаларидаги ахлоқий муносабатларни тўғри йўлга қўймасдан, касб ахлоқи маданиятини шакллантирмасдан, психологик билимларга эга бўлмасдан туриб, мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис ҳам бу масала ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Энг аввало, хизмат жамоаси тушунчасига тўхталиб ўтсак. Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат жамоалари деб давлат ҳокимияти томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини очиш мақсадида ихтиёрий-мажбурий равишда ташкил этилган бошқаришнинг яқка бошчилик принципига қатъий амал қиладиган катта ёки кичик гуруҳларга (бўлинма, бўлим, бошқармаларга) айтилади.

Барча жамоаларда бўлгани каби, ички ишлар идоралари ходимлари хизмат жамоаларининг ҳам ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Мақсад бирлиги хизмат жамоасининг асосий белгиси. У жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда хизмат жамоасининг асосий мақсадини ва шу мақсадни амалга ошириш учун ходимларга ўз атрофида бирлашиши тақозо этади. Асосий мақсад эса жиноятчиликнинг олдини олиш, уни тугатиш, фуқароларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаб, келгусида ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилишдан иборатдир.

2. Ғоявий бирлик хизмат жамоасининг яна бир белгиси бўлиб, у жамоа аъзоларининг миллий истиклол мафқураси талабларидан келиб чиққан ҳолда жамиятда ин-

сонпарварлик, адолатпарварлик, қонунийлик, жамоатчилик ва ватанпарварликнинг тантана қилиши учун маънавий-руҳий жиҳатдан бирлашишидир.

3. Ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам хизмат жамоасининг навбатдаги белгиларидан бири бўлиб, у ҳар бир ходимнинг ўз бурчини бажаришида ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ёрдам бериш хусусиятларини ифодалайди.

4. Раҳбарлик хизмат жамоасининг асосий белгиларидан бўлиб, ишларни бошқариш, мақсадни аниқлаш, режалаштириш, иш натижаларини таҳлил қилиш эҳтиёжлардан келиб чиқувчи зарурий фаолият ҳисобланади. Хизмат жамоасида раҳбарлик қилиш асосан яккабошчилик принципига асосланади.

5. Демократия хизмат жамоасининг муҳим белгиси бўлиб, у ҳар бир жамоа аъзосининг бажарилаётган иш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш ҳамда раҳбарнинг шу фикрлар асосида тегишли қарорлар қабул қилиши, ишни ташкил этишга асосланган фаолият шаклидир.

6. Тартиб-интизом хизмат жамоаси вужудга келиши ва мавжуд бўлишининг асосий шarti. Тартиб-интизомсиз хизмат жамоаси ўз олдида турган вазифаларни бажара олмайди. Ҳар қандай бошбошдоқлик хизмат жамоасига ёт нарса ҳисобланади.

Юқоридаги ўзига хос белгилардан келиб чиққан ҳолда ходимлар касбий фаолиятнинг психологик асосларини ўрганиш уларда кучли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган номзодларни танлаш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хизмат йўналишлари психологияси кенг қамровли тушунча бўлгани учун фақатгина соҳа вакиллари касбий фаолияти, шахсий сифатлари ва шахслараро муносабат масаласига эътибор қаратамиз.

Шу боис ички ишлар идораларига номзодларни танлаш, мутахассисларни тайёрлаш ва ходимларни қайта тайёрлашда барча соҳа вакиллари касбий фаолиятининг қуйидаги психологик хусусиятларини ҳисобга олиши зарур:

1. Фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги. Барча соҳа вакиллари фаолияти ҳуқуқий нормалар (қонун ҳужжатлари, ИИВнинг меъёрий ҳужжатлари ва шу кабилар) билан қатъий тартибга солинган бўлиб, меҳнатни самарали ташкил этишга имкон яратади ва ҳатти-ҳаракатни тартибга солиди. Ходимнинг ўз хизмат вазифасини бажармаслиги ёки бажаришдан бош тортиши унинг қонунни бузиши ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистон Респуб-

ликаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Буларнинг ҳаммаси охироскибадда ходимга ўз қарорлари ва ҳаракатлари учун катта масъулият юклайди.

2. Ички ишлар идораларининг барча соҳа вакиллари ҳокимият ваколатига эгаллиги. Иш манфаати йўлида айрим соҳа вакиллари зарур ҳолларда фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашши, турар жойларига кириш, керак бўлса, айрим эркинликларини чеклаш ва ҳатто, ундан маҳрум қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ҳокимият ваколати берилган ходимнинг психологик ҳолатини аввало юксак даражадаги масъулият белгилаб беради. Унинг ўз ваколатларини қўллаши эса ҳаракатларининг зарурлигини, оқилоналигини, қонуний асосга эгаллигини аниқлаш имконини берадиган бир қатор масалаларни ҳал қилишни тақозо этади. Кўпинча бу ҳол қонунда белгиланган моддалардан бирини танлаш зарурати билан боғлиқ бўлади. Берилган ваколатдан оқилана ва қонуний равишда фойдалана олиш ходимларга қўйиладиган жуда муҳим касбий талаблардан бири ҳисобланиб, кўп ҳолларда ходимнинг шахсий сифатларига боғлиқ.

3. Ички ишлар идоралари хизмат жамоаларида фаолият олиб бораётган ходимларга манфаатдор шахсларнинг доимий равишда қаршилиқ кўрсатиши ва тўққонлик қилиши. Бу ходимнинг жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятига баъзан жуда кескин шаклларда кечадиган кураш тусини беради. Ходимнинг йўлига атайин қўйиладиган тўсиқларни енгиш, хавфли вазиятларни бартараф этиш зарурати унда турли ҳиссий ва руҳий зўриқишларни келтириб чиқаради, кучли ақлий фаолиятни талаб этади.

4. Турли тоифадаги одамлар билан муомала қила олиш қобилияти – коммуникативлик (киришимлилик) талаб этилиши. Ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолияти давомида турли ёшдаги, касбдаги ва турли ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар билан мулоқот қилишига тўғри келади. Бу эса ходимдан шахс психологиясини, хусусан, муомаланинг психологик механизмлари ва қонуниятларини билиши талаб этади. Ходимнинг коммуникативлиги турли хил тадбирларни тўғри ташкил қилиш учун ниҳоятда зарур.

5. Вақт чегараланганлиги ва бажариш зарур бўлган иш ҳажмининг кўплиги. Тезкорлик ва саранжомлик жиноятларни очиш ва тергов қилишининг асосий принципларида. Вақт чекланганлиги эса жиноят ишини тергов қилиш, фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқишда жиноий-процессуал қонун ҳужжатларига риоя этиш зарурлигида намоен бўлади. Ходим шу туфайли доимо асабий зўриқишда бўлади. Асабий зўриқиш фаолиятининг юқори экстремаллиги, низоли вазиятлар шароитида ҳаракат қилиш, турли стресс омиллар таъсири, меъёрланмаган иш куни, фаолиятида салбий ҳис-ҳаяжонлар мавжудлиги туфайли юзга кела-

диган катта жисмоний ва руҳий зўриқиш билан боғлиқ.

Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларининг **билиш, конструктивлик ва ташкилотчилик хусусиятларига эга бўлиши зарурлиги.**

Билиш фаолиятининг аҳамияти соҳа вакиллари учун ниҳоятда катта. Ходим ўқиб-ўрганишдан, билишдан тўхтаса, жиноятчиликка қарши курашишнинг самараси бўлмайди. Билиш жараёни натижасида ходимларда касбий фаолиятларини мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Фаолиятнинг **конструктивлиги** деганда, жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашни таъминлаш каби ҳаракатларни режалаштиришга қаратилган тафаккур фаолияти тушунилади. Яъни конструктив фаолиятда билиш фаолиятининг босқичлари режалаштирилади, бунда бизга номаълум бўлган воқеликни қандай кетма-кетликда текшириш кераклиги ҳақидаги саволга жавоб топилади. Бошқача айтганда, ходимнинг изланиши ва конструктив фаолияти ягона фикрлаш жараёнининг турли босқичларини ифодаловчи омилдир.

Ташкилотчилик фаолияти ходимнинг ўз касбий фаолияти жараёнида турли вазифаларни амалга ошириш учун мақбул шароитларни таъминловчи бош омилдир. Унинг мазмуни жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш жараёнида бошқаришда намоен бўлади. Уни раҳбарликда, ҳисоб ва назоратда, ушбу жараён иштирокчилари ўртасида ҳамкорликни уюштиришда кузатиш мумкин. Мазкур фаолият ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришларида, ахборот бериш ва алмашишларида ҳамда шахсларнинг жиноий ҳаракатларини олдиндан кўра билишда катта аҳамиятга эга.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг асосий психологик хусусиятлари ва таркибий элементларини кўриб чиқиш ҳам унинг фаолияти қанчалик мураккаб, серқирралигидан далолат беради. Касбий фаолият ходимга кўплаб турли хил талаблар қўяди. Улар орасида энг муҳимларидан бири – шахсда касбий муҳим хислатларнинг ривожланганлик даражасидир. Уларга ходим шахсига хос хислатларнинг касбий-психологик йўналганлиги; ходимнинг психологик тайёргарлиги; ривожланган иродавий хислатлар – ўзини тутати билиш, жасурлик, мардлик, оқилна таваккалчиликка мойиллик, яхши ривожланган коммуникатив хислатлар, турли тоифадаги шахслар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўрната олиш ва сир сақлай олиш, турли хизмат вазифаларини бажаришда одамларга психологик таъсир кўрсата олиш қобилияти, ролга, бошқа қиёфага кира олиш, ривожланган, касбий жиҳатдан муҳим билиш хислатлари – кузатувчанлик ва диққатлик, кучли хотира, ижодий тасаввур, ривожланган мантиқий тафаккур, мураккаб ақлий ишга мойиллик, зеҳн, ривожланган интуиция,

зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш кабилар.

Ушбу хислатларни инсонда шакллантириш ва ривожлантириш давоми, қийин жараён, аммо улар хизмат йўналишларида фаолият юритаётган соҳа вакиллари касбий жиҳатдан шаклланиши учун шартдир.

Шунингдек, соҳа вакиллари қуйидаги шахсий-психологик ва касбий сифатларга эга бўлиши керак: меҳнатсеварлик, тўғрилик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, хурматга сазоворлик, умумий ва кучли билим, касбий тайёргарлик, ақлий ривожланганлик каби махсус қобилиятларга эгаллик: чуқур ҳуқуқий билимларга эгаллик ва ҳуқуқий маданияти юксаклик, маънавий-ахлоқий фазилатларга эгаллик, иродалик, танқидий ёндаша олишлик, эътиборлилик, бардошлилик, эмоционал барқарорлик, ташаббускорлик, принципиаллик, холислик, беғаразлик, қатъиятлилик, тиришқоқлик, журъатлилик ва диллик, кескин, қалтис вазиятларда руҳий барқарорлик, сергақлик, огоҳлик кабилар.

Шу билан бирга, хизмат жамоаларида фаолият юритаётган соҳа вакилларида ўта шубҳаланувчан, юзаки бўлмаслиги керак. Хизмат йўналишларининг психологияси ҳақида фикр юритилганда ходимлар фаолиятининг профессиограммаси (касбга лаёқатлиги)га тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Профессиограмма муайян касб соҳаси билан боғлиқ фаолиятни самарали амалга ошириш учун талаб этиладиган, ўзаро боғлиқ шахсий-касбий сифатларнинг намоен бўлишини ифодалайди. Ушбу шахсий-касбий сифатлар бир вақтда касб соҳасининг муҳим жиҳатларини ва фаолиятнинг иерархик тузилишини акс эттиради.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятларида фуқаролар билан мулоқот қилиши учун чуқур билимдан ташқари яна қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак: нотаниш шахслар билан тезда мулоқотга киришиш, уларга маъқул бўлиш, бошқа шахсларнинг гапини эшита олиш қобилиятига эга бўлиш, одамларга психологик таъсир кўрсата олиш, мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни бартараф этиш ва ҳоказо.

Айни вақтда ички ишлар идоралари ходими фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлишга, уларнинг иш билан боғлиқ чигал саволларига ва бошқа ҳолатлар бўйича мурожаатларига тўғри, аниқ жавоб беришга, ариза-шикоятларини қонуний ҳал қилишга интилиши лозим. Бу – ички маданиятнинг ташкил кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган хушмуомалалик қуйидаги хулқ-атвор қоидаларини қамраб олади: одамларга хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, инсонга хайрихоҳлик, эътиборлилик, муҳтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳолатини чиқариш, илтифот билан жой кўрсатиш, ёрдамлашиш, одамларни ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан ноқулай аҳволга солиб қўймаслик, агар, шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз ҳатти-ҳаракатини тuzатиш, кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш кабилар.

Ходим ушбу талабларга ўзининг бутун фаолияти давомида амал қилиши керак.

**Бахтиёр СИРЛИЕВ,
ИИВ Академияси
Психология ва касб этикаси
кафедраси бошлиғи,
подполковник.**

Турмуш чорраҳаларида

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонда.

Орадан бир ҳафтага яқин вақт ўтгандан кейингина у университетда пайдо бўлди. Терговчи уни бир кўришдаёқ жиноятчи эканлигини, Ферузанинг номусини шу топтаганини фаҳмлади. Шундай бўлса-да, ҳар хил саволлар бериб, уни синаб кўрмоқчи бўлди.

— Бир ҳафта мобайнида қаерда эдингиз? — сўради терговчи.

— Пулим қолмагани, қишлоққа кетганим.

— Буни қаранг-а, қишлоққа борибсизу, ота-онангизни кўрмай қайтибсиз-да.

Терговчининг бу гапидан кейин Зафар довдираб қолди. Шундай бўлса-да сир бой бермай гапида давом этди.

— Қишлоққа бордим, лекин улар билан кўришмай Самарқандга — ўртоқларимнинг олдига кетганим.

— Бир ҳафта мобайнида у ёқда нима қилдингиз? Сизни кўрганлар борми, ўртоқларингизнинг телефон рақами, манзили...

— Шунчаки айландим. Ҳалиги...

— Юзингизга нима қилди? Тирналибдимми? — майор шунча вақтдан буён Зафар яширишга уринаётган юзини назарда тутиб сўради.

— Буми, шунчаки... ўртоқларим билан овга чиққанимизда дарахт шохи тилиб кетди.

— Нима ов қилдиларинг? Чумчүкми, какликми?

— Ҳалиги... каптар. Каптар овладик...

— Ҳа, шунақами? Унда айтинг-чи, 14 февраль соат кечки олтидан ўнга қадар қаерда бўлгансиз?

— Нима..? 14 февраль... ўқишда... э, йўқ ётоқхонада.

— Аниқми? Билиб кўйинг, ёлгон гапирсангиз ўзингизга қийин бўлади.

— Йўқ, ёлгон гапирганим йўқ.

— Ҳа, майли. Унда айтингчи, манави кизни танийсизми? — терговчи шундай дея Ферузанинг суратини кўрсатди.

Зафар суратга бир қаради-да кўзини ундан олиб деди:

— Йўқ, танимамайман.

— Ростдан ҳам танимайсизми? Аввал бирон жойда кўрмагансиз?

— Йўқ, кўрмаганман, танимамайман...

— Бўлди, бас қил, — Зафарнинг ёлгон гапиришини, унинг шунчалик тубанликка боришини кутмагани. Бундан Сардорнинг жаҳли чиқиб уни сенсираб юборди. — Бу қизни ҳам танимайсиз, 14 февраль куни аниқ қаерда бўлганингни ҳам билмайсан. Шунақами? Унда мен сенга эслатиб қўяман. Сен 14 февраль куни кеч соат олтидан ўнга қадар жиянинг Бахтиёрнинг уйида бўлгансан. Унинг синфдошлари билан бўлган базмда чақирилмаган меҳмон бўлиб уларга қўшилгансан. Кейин сен танимаган ўша Ферузанинг номусини топтаб, уни бадном қилган-

сан. Ҳа, айтганча, манави овда шох тилиб кетган юзингдаги тирналган изни ҳам ўша қиз қолдирган. Сен маҳлук унга тажовуз қилганинда «нозиккина юзингни» билмасдан тирнаб олган. Бир ҳафтада изи йўқ бўлиб кетади деб ўйлагансан. Лекин сен ўйлаганчалик бўлмади, шундайми? Тирналган жойни қанчалик аёлларнинг пудрасини суртиб яширишга уринма ҳаливери у йўқолмайди. Энди эсингга тушди-ми ёки яна давом этайинми?

— Мен... мен билмасдан... Бундай қилмоқчи эмасдим. Мени кечиринг.

— Ҳей, номард, энди унинг ота-онасидан кечирим сўрайсан. Улар сени кечиришармикин.

— Нима? Мен билмасдан... маст эдим... ўзимни билмай...

— Билмасдан? Мастлик-да... Сенга ўхшаганларни...

— Билиб ўтирибдими? Тузилган кун нимаю, у нима? Бари бир эмасми?

— Бари бир эмас. Сендан буни кутмаганим, Нигора..! Улар Бахтиёрнинг уйига боришганида аллақачон кўпчилик йиғилиб бўлган,

— Ҳа, майли. Фақат бир шарт билан. Бир соатга бориб келақолсин, — деди Робия. Кейин қизига уқтирди. — Даданг ишдан келмасидан уйда бўлишинг шарт. Бўлмаса икковимиз ҳам балага қоламиз.

— Ойи, менинг боргим йўқ.

— Дугонангнинг тузилган куни экан, майли, бориб келақол, қизим.

Улар кўчага чиқишганда Феруза дугонасига эътироз билдирди:

— Нега ойимни алдадинг? Тузилган кунга эмас, ўтиришга борганимни билса ойим мендан қаттиқ хафа бўлади энди.

— Билиб ўтирибдими? Тузилган кун нимаю, у нима? Бари бир эмасми?

— Бари бир эмас. Сендан буни кутмаганим, Нигора..!

Улар Бахтиёрнинг уйига боришганида аллақачон кўпчилик йиғилиб бўлган,

маганда берилган саволдан Феруза ортига ўгирилиб қаради. — Йўқ, ёқаяпти.

— Унда нимага хомуш ўтирибсиз? Еб-ичиб, синфдошларингиз каби ўйнаб-кулмаясиз?

— Раҳмат, ҳаммаси яхши. Шунчаки шовқинга кўника олмаяпман, — деди Феруза.

— Рухсат берсангиз, мен сизга вино куйиб берсам.

— Йўқ, мен ичмайман.

— Унда шарбатдан ичинг, — Зафар шундай деб чаққонлик билан қадаҳга қола кўйди.

Кейин кўзни шамғалат қилиб, қадаҳ ичига ўзида бўлган бир дона дориға ўхшаш нарсани солди. Истеъмол қилганда кишининг ақл-хушидан айирадиган бу психотроп таблеткани Зафар кеча бир танишидан сотиб олганди. Шуни бугун синовдан ўтказишга жазм қилди. Зафар ҳоли-жонига кўймагандан кейин Феруза шарбатни бир-икки хўплаб кўйди.

Орадан маълум вақт ўтиб, дори ўз таъсирини кўрсатди. Ферузанинг боши оғриб, ҳамма нарса кўзига ағдар-тўнтар кўрина бошлади. Оёқлари ўзига

ЖАЗОН БЎЛГАН ГУЛ



Кўнғироқ чалинди. Ойижон, ўзим, — Феруза шундай деганча илдам эшик томон йўналди.

Ташқарида дугонаси Нигорани кўриб, уни ўз хонасига бошлади.

— Қандайсан, дугонажон?

— Яхши, тинчликми? — таажжубланиб сўради Феруза. — Кўнғироқ қилмасдан келибсан.

— Тез кийин. Сени базмга олиб кетгани келдим.

— Нигора, овора бўлиб келибсан. Мен бормайман дедим-ку, ахир. Ўтиришларни унчалик ёқтирмайман. Бунинг устига ота-онам ҳам рухсат беришмайди.

— Қўй, унақа қилма. Борамиз-у келамиз. Ойингдан ўзим рухсат сўрайман.

— Ойим барибир кўнмайди.

Нигора дугонасининг гапига парво қилмай ошхонада кечки овқатга тараддуд кўраётган Робиянинг олдига ўтди. Қизининг дугонасини кўриб, ундан ҳол-аҳвол сўради.

— Робия опа, бугун менинг тузилган куним эди. Шунга Феруза бизникига борса майлими? — Нигоранинг бу гапидан кейин Феруза ялт этиб дугонасига қаради. У эса чап кўзини қисиб кўйди.

— Вой, айланай, табриклайман. Умринг узок бўлсин, — Робия шундай деб Нигорани алқай бошлади. — Қизим, сен нега айтмадинг?

— Мен... Нигора..., — Феруза дугонасининг ёлгон гапираётганини айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмай каловланиб қолди.

— Илтимос, рухсат берақолинг, — Нигора яна ялтоқлана бошлади.

зиёфат бошланиб кетганди. Бахтиёрнинг ота-онаси дам олишга кетганлиги, уйда улардан бошқа ҳеч ким йўқлиги учун синфдошлар эмин-эркин ўйнаб-қулишарди. Феруза ийманибгина бир чеккада ўтирар, ўйинга тортса ҳам қўшилмасди. Унинг бу ҳолати базмга эндигина келиб қўшилган Бахтиёрнинг тоғаси эътиборидан четда қолмади.

— Бахти, анави синфдошинг чакки эмас экан-ку! — деди Зафар Ферузани кўрсатиб.

— Тоға, у сизга тўғри келмайди, — деди Бахтиёр Зафарнинг ниятини сезиб.

— Яхши гапирганга эргашиб кетаверадиганлардан эмас у.

— Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, жиян. Ҳаммасининг йўлини топса бўлади.

— Агар уни илинтириб олсангиз сизга беш кетаман, тоға. Лекин бунга ишона олмайман-да.

— Унда қараб тур, — у шундай деди-да Феруза ўтирган жойга қараб кетди.

— Яхши қиз, сизга базм ёқмаяпти шекилли? Кутил-

бўйсунмай, худди ҳавода муаллақ сузиб юргандек эди, гўё. Нима бўлаётганини тушунмай турган бир пайтда қайсидир дугонаси келиб унинг ҳолини сўради. Феруза боши оғриётганини, уйига кетмоқчилигини айтди. У ҳозир бир кўнғилсиз ҳодиса юз бериб, синфдошлари олдида шарманда бўлиб қолишдан кўрқиб, эшикни излай бошлади. Шу пайт у фақат шу ердан бир амаллаб чиқиб кетишни, уйига етиб олишни ўйларди. Зафарга эса айнан шу керак эди. Бахтиёр Ферузани кузатиб кўйишга чиққанида:

— Бахти, сен синфдошларингга қара, Ферузахонни ўзим таксига ўтқириб юбораман, — деди.

Бахтиёр «қойилман» дегандек тоғасига имо қилиб, синфдошларининг олдига кирди. Бу пайтда Феруза ўзини умуман идрок қила олмайдиған, қаерга етакласа кетаверадиган ҳолга келиб қолганди. Фурсатдан фойдаланиб қолишни кўзлаган Зафар уни кўшни хонага бошлади...

Феруза бироз ўзига келиб, онги равшанлаётган пайтда устидан кимдир босиб турганини кўрди. Чинқирганча уни ўзидан узоклаштиришга, баҳайбат кимсадан озод бўлишга интилдди. Тирноқлари билан унинг юзини тирнади. Кўланка бунга чидолмай додлаб юборди. Қиз бир амаллаб ўрнидан туриб, эшик томон юрди. Уйдан отилиб чиқиб, зинадан югургилаб тушди. Йўлда учраган биринчи машинани тўхта-тиб, ҳайдовчига манзилани айтди. Уйига қандай етиб келганини, ҳайдовчига қанча пул берганини ҳам эслолмайди. Машина салонидан қушдек отилиб чиқиб, уй йўлагига кирди. Шу ерда Феруза тўхтаб, деворга суянди. У хансирар, ўпкаси оғзига тикилгудек чуқур-чуқур нафас оларди. Қиз шу ҳолида ўзига, уст-бошига разм солди. Бўлиб ўтган воқеаларни эслаб, ўзини додлаб юборишдан тийиш учун лабини қаттиқ тишлади. Бир умр оқ ювиб, оқ тараган, нозик гулдек асраб-авайлаган кизларининг номуси поймол бўлганини, уларнинг юзини ерга қаратганини эшитса ота-онаси бунга чидай олармикин? Энди у қандай бош кўтариб юради, меҳрибонларининг кўзига қандай қарайди?

Феруза шу кўйи бироз мўддат турди. Кейин ўзи учун энг тўғри деб ўйлаган бир қарорга келди. Кийим-бошини, тўзгиган сочларини тартибга келтириб, охишта зинадан кўтарилди.

— Ассалому алайкум, ойижон, — деди Феруза сунъий табассум билан.

— Ваалайкум, келардингиз-да. Сен қиз даданг иккаламизни хавотирга қўйиб ўлдирдинг-ку! — деди Робия уни тергаб.

— Узр, ойижон. Дугоналарим кўйвормади.

— Телефонингни ҳам ташлаб кетибсан. Нигорага кўнғироқ қилгандик, сени чиқиб кетганига анча бўлди деб айтди. Қаерларда қолиб кетдинг? Вой, ўлмасам, нега юзинг оқариб кетди?

— Қоронгида бироз кўрқдим, ойижон. Тез қайтаман деб ўйлагандим. Сўз бераман, энди бошқа қайтарилмайди.

— Ҳозир дадангнинг жаҳли чиқиб турибди. Эшитадиганингни эшитасан.

— Ойижон, мени кечиринг, — Феруза шундай деб онасини кучиб олди. — Сизларни яхши кўраман.

— Бўлди, бўлди, эрқаланма. Кўрққан бўлсанг бироз сув ичиб ол-да, дадангнинг кўзига кўринмай тез жойингга кириб ёт. Ўзим тушунтираман, чарчаб келибди деб, кўя қоламан.

— Раҳмат, ойижон!

Феруза ўз хонасига кириб кетди...

Эрталаб эса Робия қизини арқонга осилган ҳолда кўриб, эс-хушини йўқотди...

Фозил МАМАШАРИПОВ.

Наврўз таомлари

ТАНАНГИЗГА ҚУВВАТ БАҒИШЛАР

Қадимдан Наврўз байрамида ўзига хос миллий таомлар тайёрланиб, дастурхонга кўк сомса, қовурилган чучвара, сумалак, ҳалим сингари бир-бирдан мазали баҳорий ноз-неъматлар тортилган. Келинг, шу ўринда улардан баъзиларининг тайёрланишига яна бир бор эътиборимизни қаратсак.

КЎК СОМСА

Бундай сомса йилда бирикки марта, баҳор ойларидагина тайёрланиши мумкин бўлганлиги учун ҳам тансиқдир. Сомса учун ҳамир қориб, тайёрлаб олинган, ичидаги қайласини тайёрлашга киришилади. Кўкатлар (исмалоқ, ялпиз, жағ-жағ, отқулоқ, мадор ва ҳоказо)ни яхшилаб ювиш керак. Чунки кўп ҳолларда



кўкатларга лой ёпишиб қолган бўлади. Ювиб бўлиб, тўғрашга шовилмаймиз, бироз сувини ҳам оқизиб юборамиз. Сўнгра майдалаб тўғраб, устига пиёзни ҳам майда тўртбурчак шаклида тўғраб, ўсимлик ёғи, туз ва мурчани қўшиб аралаштирамиз. Ҳамирни ҳар доимгидек бирма-бир ёйиб, ичига кўк қийма қўйиб чиқамиз. Ҳар ким ўзига қулай шаклда тугиши мумкин. Тугилган сомсаларни ҳар доимгидек усти-

га тухум суртиб, кунжут ёки қора седана сепаб, 180 даражали димхонада 23-26 дақиқа мобайнида пишириб оламиз. Пишган сомсаларни вазиятга қараб турли тарзда дастурхонга тортса бўлаверади.

ГЎЖА

Ушбу таом витаминларга бойлиги жиҳатидан меҳригива сумалақдан кейинги учинчи ўринда тургани боис, уни баҳорда тановул қилиш тавсия этилади. Керакли масаллиқлар: 50 г буғдой, 50 г нўхат, 50 г ловия, 50 г мош, 50 г макка-жўхори, 50 г тарик, 50 г гуруч, сузма, сув ва таъбга кўра туз.

Тайёрлаш тартиби: даставвал барчаси сувда тозалаб ювилиб, келида туюлади. Пўсти ажралгандан сўнг қозондаги совуқ сувга буғдой, жўхори, нўхат солиниб, паст оловда қайнатилади. Сўнг ивителиб қўйилган ловия ва мош ҳам қозонга ташланади. Худди шунча вақт ўтгандан кейин тарик ва гуруч қўшилади. Ярим соатдан сўнг таъбга кўра туз солинади. Кейин бироз совутилиб, аста-секинлик билан сузма аралаштирилади.

Таом устига турли кўкатлар тўғралса, у янада мазали ва хуштаъм бўлади.

БАҲОРИЙ ҚУЙМОҚ

Баҳорий қуймоқни тайёрлаш учун қуйидаги масаллиқлар керак: 2 та тухум, 1 ош қошиқ шакар, 1,5 стакан ун, 2,5 стакан сут, 2 ош қошиқ ўсимлик ёғи, бир чимдим туз, салат барги, майонез. Қийма учун: исмалоқ, жағ-жағ, ўсимлик ёғи, бир чимдим туз.

Тайёрланиш тартиби: тухум ва шакар яхшилаб кўпиртирилади, кўпирган суюқлик қайтиб чўкмаслиги учун оз-оздан аввал сут, сўнгра ун, охирида туз ва ёғ қўшиб аралаштирилади. Тайёр бўлган суюқлик қопқоғида тешиги бор идишга қуйилади. Сўнг қизиқ турган товага идишдаги суюқлик билан жудаям ингичка бўлмаган катаклар чизиқ чиқиш лозим. Бир томони қизарган, эҳтиёткорлик билан айлантриб, иккинчи томони ҳам пишириб олинади. Исмалоқ ва жағ-жағ тўғралиб, қиздирилган ўсимлик ёғида қовурилади. Пишган қуймоққа салат баргини қўйиб, майонез суртилади. Сўнг баҳорий

кўкатлардан тайёрланган қиймани солиб, ўралади. Тайёр бўлган баҳорий қуймоқларни дастурхонга тортасиз.

АЛАДИ

Керакли масаллиқлар: 2 боғ жағ-жағ, 2 боғ исмалоқ, 1 боғ саримсоқ пиёз, 6 та тухум.

Тайёрланиш тартиби: кўкатлар майда қилиб тўғралади. Алоҳида идишга 6 дона тухум чақиб, яхшилаб суюлтирилади. Тухумни кўкатлар устига солиб, таъбга кўра туз қўшилади ва обдон аралаштирилади. Това-



ни оловга қўйиб, ёғ солинади ва қизигандан кейин 2 ош қошиқ аралашмадан солиб, ўрта оловда пиширилади. Бу таом тез тайёр бўлгани боис одатда нонуштада истеъмол қилинади.

Наврўз айёми учун безатилган дастурхонда баҳорий салатларнинг бўлиши иш-

тахани очиш баробарида, танани тетиклаштиради.

РОВОЧЛИ КЎК САЛАТ

Керакли масаллиқлар: 200 г ровоч, 200 г кўк салат, 80 г салат масаллиғи (зираворлар, таъбга кўра туз), кўкатлар.

Тайёрлаш тартиби: кўк салат йирик қилиб тўғралади, толаларидан тозаланган ровоч бўлакчалари билан аралаштирилади. Салат масаллиқлари меъёрида қўшилиб, аралаштирилади ва майда тўғралган кўкат сепилади.

ИСМАЛОҚЛИ САЛАТ

Керакли масаллиқлар: 1,2 кг исмалоқ, 3 та тухум, 250 г сметана, 3 ош қошиқ лимон шарбати, таъбга кўра туз.

Тайёрлаш тартиби: янги узилган исмалоқ илдизча ва пояларидан тозаланади. Аввал совуқ сувда ювилиб, қайноқ сувга 5 дақиқа солиб пиширилади. Сўнг сомсонсимон шаклда тўғралади. Унинг устидан лимон шарбати қуйилади ва тухум парракчалари билан безатилади.

Дастурхонга тортишдан олдин устига янги сметана ёки қаймоқ қуйилади. Бу салатлар иштаҳани очиб, овқат ҳазмини яхшилайд.

Х. ПЕРМУХАМЕДОВ
тайёрлади.

Хориж тажрибаси

ИСПАНИЯ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИ

(Бошланиши ўтган сонда.
Давоми).

Испания Фуқаролик гвардияси қуролли ҳарбийлашган тузилма бўлиб, Ички ишлар вазирлигининг Давлат хавфсизлик департаментига қарашли Полиция ва Фуқаролик гвардияси Бош директорати унинг олий органи ҳисобланади. Ушбу тузилма 1844 йилда герцог Ахумада томонидан ташкил этилган эди. Шундан буён жамоат тартибини сақлаш, қидирув тадбирларини амалга оши-



риш, фуқароларнинг ҳамда уларга қарашли мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади.

Қуйидагилар Испания Фуқаролик гвардиясининг вазифалари сирасига киради:

► ўз ваколатлари доирасида мамлакат ҳудудида (ерда, сувда ва ҳавода) жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш;

► жамоат жойлари ва объектларини кузатиш, назорат қилиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш;

► жиноятларнинг олдини олиш;

► Испания давлатини контрабанда ва фирибгарлик жиноятларидан ҳимоя қилишни ташкил этиш (чегарада полиция назорати, божхона назоратини амалга ошириш, ноқонуний иммиграция тармоқлари ҳамда йўлларини аниқлаш ва шу кабилар);

► халқаро автомобиль йўлларида тартиб ва хавфсизликни таъминлаш;

► фавқулодда вазиятлар

(фалокатлар) юз берганида аҳолига кўмак бериш, фуқароларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилишни ташкил этиш;

► суд полициясига, суд трибуналларига кўмак бериш, жиноятларни тергов қилишда, гумон қилинувчиларни қўлга олишда, техник полиция ҳисоботларини тайёрлашда, гувоҳлик кўрсатмаларини тўплашда ва гувоҳларни ҳимоя қилишда прокуратура органлари билан ҳамкорлик қилиш;

► жамоат хавфсизлигига, хусусан, террорчилик фаолиятини ташкил этишга оид ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

► маҳкумлар, маҳбуслар ва гувоҳларни транспортда ташини ташкил этиш;

► қурол-яроғлар ва портловчи моддаларни кўриқлаш.

Испания Фуқаролик гвардияси тўрт босқичли тузилишга эга. Бу умуман олганда мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ келади. 2004 йилда Испания Фуқаролик гвардияси сафларида 73



минг нафарга яқин ходим хизмат қилган. Уларнинг икки ярим мингдан зиёдини аёллар ташкил этган. Хотин-қизларнинг кўпчилиги молия, разведка, кримнология ва портловчи моддалар соҳаларида юқори малакали мутахассислар бўлишган. Йўл полициясида тахминан тўққиз минг нафар ходим фаолият кўрсатади. Одатда Фуқаролик гвардияси мамлакат аҳолисининг 40 фоизига хизмат кўрсатса, меҳнат таътиллари мавсуми бошланганида ушбу кўрсаткич 65 фоизгача етади.

Мазкур полиция тузилмасининг олий раҳбарлар таркиби Академияларда беш йиллик полиция курсларини битиришлари ҳамда ҳарбий таълим олишлари шарт. Таҳсилни тугатганларга университет дипломи намунасидаги диплом ва «Фуқаролик гвардияси лейтенанти» махсус унвони берилди. Бошқа ходимлар эса Академияда бир йил таҳсил олиб, бир йил амалиёт ўташади. Шундан сўнг уларга «фуқаролик гвардиячиси» унвони берилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧГАН БЕЛЛАШУВЛАР

Ички ишлар идоралари ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарликлари хизмат самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Шу боисдан доимий равишда спорт машғулоти, турли мусобақалар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу ўринда қўл жанги бўйича ўтказилиб келинаётган мусобақаларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки бокс, кураш, Шарқ яққа кураши билан шуғулланган ҳар қандай спортчи қўл жангида ўз кучини, эпчиллигини синовдан ўтказиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Нукус шаҳридаги 2-республика болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ўтказилган мусобақада бу яна бир бор тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо» ЖТСЖ биринчилиги учун кечган баҳсларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоалари иштирок этди.

Қизиқарли ва шиддатли кечган мусобақа якунида жамоавий ҳисобда



голиблик Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ терма жамоасига насиб этди. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ хузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва вазирлик АВБСО жамоалари кейинги ўринларни эгаллади. Фолиб жамоалар ва мусобақада муваффақиятли иштирок этган спортчилар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

О. ЕРМАНОВ,
журналист.

Муаллиф олган сурат.
Қорақалпоғистон Республикаси.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг жисмоний салоҳиятини янада ошириш, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида вилоят «Динамо» ЖТСЖ ташаббуси билан ташкиллаштирилган волейбол бўйича чемпионат байрамона руҳда бўлиб ўтди.

КУЧЛИЛАР ҲАМИША ФОЛИБ

Унда 26 та жамоа фолиблик учун ўзаро баҳс олиб борди. Айниқса, иштирокчи жамоалар ўртасида Бухоро вилояти ИИБ, вилоят ИИБ ЁХБ, МХХБ жамоаларининг шиддатли ўйинлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Яқуний натижаларга кўра, вилоят МХХБ жамоаси барча рақибларидан устун эканлигини амалда намойиш қилиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Вилоят ИИБ хузуридаги қўриқлаш бошқармаси вакилларига иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринга эса, вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси жамоаси лойик, деб топилди.

Фолиб жамоалар «Динамо» ЖТСЖнинг дипломи ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Вилоят ИИБ ва унинг қуйи тизимларида эркалар билан елкама-елка хизмат қилиб келаётган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ўтказил-



ган шахмат-шашка мусобақаси ҳам қизгин баҳсларга бой бўлди.

Вилоят «Динамо» ЖТСЖ ташаббуси билан ўтказилган мусобақада соҳамиз маликалари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Қизиқарли мусобақалар якунида юқори ўринларни эгаллаган, шунингдек, турли номинациялар бўйича фолиб чиққан иштирокчиларга қимматбаҳо эсдалик совгалари топширилди.

Бахтиёр РАҲМАТОВ,
катта лейтенант.
Бухоро вилояти.

Кўрик-танлов



ҲАМШИРАЛАР БАҲСИ

Навоий вилояти ИИБ тиббиёт бўлими ташаббуси билан илк марта «Намунали ҳамшира» кўрик-танлови ўтказилди.

Уни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Р. Абдуллаев очиб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимлари саломатлигини сақлашда фидойилик кўрсатаётган тиббиёт бўлими шифокору ҳамшираларнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этди.

Танловда беш нафар ёш ҳамширалар ўзаро куч синашди. Уларнинг ўз касбини қанчалик пухта эгаллагани ҳамшира ташхиси ҳамда амалий билим кўникмалари бўйича савол-жавобларда намоён бўлди. Шунингдек, иштирокчилар чаққонлик, эпчиллик борасида ҳам синовдан ўтдилар. Бундан ташқари, эркин мавзуда чиқишлар қилишди.

Қизгин беллашувлардан сўнг энг кўп балл тўплаган Навбахор Файзиёва «Намунали ҳамшира», деб топилди. Фолибга диплом ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

М. АҲАДОВ,
Навоий вилояти.



Муаллиф олган суратлар.

УЗОҚ УМР КЎРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Инсон умрини юз ёшгача узайтириш мумкинми? Узоқ умр кўриш учун яхши насл муҳимми ёки соғлом ва тўғри турмуш тарзи? Ёки «ёмон» генларни коррекция қилиш билан инсон умрини узайтурса бўладими?

Наслнинг аҳамияти узоқ умр кўришда унча юқори эмас экан. Маълумотларга кўра, насл 25 фоизни ташкил этаркан, қолган 75 фоизи эса турмуш тарзи, муҳит ва турли омиллардан иборат бўларкан.

Наслий мойиллиги бор инсонлар ҳақиқатан ҳам юз ва ундан ортиқ умр кўришлари мумкин. Уларда ноёб генлар йиғиндиси мавжуд бўлади: бу – инсон организмидagi турли стресслар, гиподинамия (кам ҳаракат), меъёрдан ортиқ овқат истеъмол қилиш, спиртли ичимликлар ичиш, сигарет чекиш каби хасталик ва зарарли одатлар билан курашишда ёрдам беради. Муҳим аҳамият касб этадиган «ҳимояловчи» генлар вариантлари билан бирга узоқ умр кўришда зарарли генларнинг пасивлиги ҳам эътиборга олинади: яъни атеросклероз, юрак ишемик касаллиги, қандли диабет, онкологик (ўсма) касалликлар ва бошқалар. Ваҳоланки, бу хасталиклар тўсатдан ўлим сабабчиси дур.

Узоқ умр кўрувчилар ҳам бу касалликларга мойил, яъни статистика бўйича юз ёшга кирганларнинг бештасидан биттасида 20 фоиз бу касалликлар бор (атеросклероз, юрак ишемик касаллиги, қандли диабет, онкологик), бошқача қилиб айтганда, узоқ умр кўрганларда бу касалликлар 65 ёшдан сўнг қайд этилган. Узоқ умр кўрувчиларнинг кўпчилиги ушбу сурункали касалликларни



енгил ўтказишади ва 93 ёшгача умр кўришади.

Хўш, кексаликнинг профилактикаси билан қачон шуғулланиш лозим? Кўпчилик инсонлар қариланинг биринчи белгилари 40 ёшдан бошланади, у билан курашишни эса 50 ёшдан кейин бошлаш керак, деб фикрлашади. Аммо қариллик (кексалик)нинг белгилари болаликдан бошланади: организмдаги эрта ўзгаришлар кейинчалик инфаркт, инсульт ва атеросклерозга олиб келиши мумкин.

Ўсиш ва улғайиш жараёнлари хужайраларнинг узлуксиз бўлиниши билан кечади. Бунда организмда хато-мутациялар йиғилади ва хромосомалар қисқаради. Кексаликнинг биринчи белгиси шудир. Кейинчалик бу процесс секинлашади, лекин носоғлом турмуш тарзи билан зарарли одатлар кўшилганда у тезлашиши мумкин.

Маълумки, меъерий парҳез, таом истеъмол қилишнинг тартиби, уйқунинг меъери ва инсон умрининг қайси ёшда бўли-

шидан қатъи назар, бадантарбия билан фаол шуғулланиш умрни узайтиради. Демак, бундан келиб чиқадики, кексаликка эрта, яъни ёшлиқдан бошлаб тайёрланиш лозим.

Қуйида инсон умрини узайтиришнинг асосий мезонларини келтирамиз:

Рационал овқатланиш: овқат рационалда калорияларни камайтириб, кунига 3-4 маҳал ва ҳар кун бир вақтда овқатланиш умрни ўн йилга узайтириши мумкин.

Зарарли одатлардан воз кечиш: яъни тамаки чекиш ва меъёрдан ортиқ спиртли ичимлик истеъмол қилишдан воз кечиш – аёллар ёшига 10 йил, эркаларникига эса беш йил кўшилади.

Спорт билан шуғулланиш: ҳаракат ҳаёт, фаол ҳаракат – соғлом турмуш тарзидир. Ҳаракат органларни қон ва кислород билан таъминлашни белгилайди, бахт гармони ишлаб чиқариб, мушакларни тонусда ушлаб туради. Бу фаолият умрни беш йилга узайтиради.

Оиладаги муҳит: яқинларнинг муҳаббати, ғам-хўрлиги ва меҳри инсон умрини беш йилга узайтиради, кайфиятини кўтариб, ҳаётга интилувчан бўлиб қарашга ундайди.

Мақсад сари интилиш: ўзини мажбуриятлар билан банд қилган инсонлар, яъни фарзанд ва набираларни ўстириш, ижод қилиш, тадқиқотлар олиб бориш лоқайд инсонлардан кўра тўрт йил кўпроқ умр кўришни таъминлайди.

Рухиятни асраш: инсон ўз-ўзини камситмаслиги, жамиятда тенг ҳуқуқли фуқаро эканини унутмаслиги лозим. Унутманг: худбин, ичи қора, манман, мансабпараст, ҳасадгўй ва бахил одамлар бошқаларга нисбатан уч йил эрта қарийди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш: кексалар ўзлари ёқтирган машғулотлар билан шуғулланишлари лозим. Ёшларга маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш кабилар уларнинг бошқа инсонлар билан муносабатларини кенгайтириб, ҳаётга қизиқишларини оширади ва умрларига яна уч йил кўшилади.


Юқорида таъкидлаб ўтилганларга амал қилган ҳар бир инсоннинг ҳаёти фаровон, умри эса янада узун бўлишига асло шубҳа йўқ. Шу боис, саломатлик мезонларини ўзингизда шакллантириб, соғлом ва узоқ умр кўринг!

Наргиза САЙДАЛИЕВА,
ИИБ «Ўзбекистон»
санаторийси физиотерапия
бўлими бошлиғи,
майор.

Китоб жавонингизга

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ МАҲСУЛИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият даражасига кўтарилди. Жумладан, қамокда сақланадиган шахсларнинг ҳам ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш чоралари кўрилди. Хусусан, 2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят иш-ни юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.



ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғунов ҳамда мазкур бошқарманинг бўлим бошлиғи, подполковник Муҳаммадқарим Юлдашевнинг «Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят иш-ни юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида»ги Қонунига шарҳ» номли китобида мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ҳар томонлама кенг очиб берилган.

Муаллифлар қонунни шарҳлашда амалдаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таянишган. Шунингдек, шарҳни ёзиш мақсадида жуда кўплаб юридик адабиётлар, энциклопедиялар, илмий мақолаларни ўрганиб чиққанликларини, халқаро ҳужжатларни таҳлил қилганликларини уларнинг ўзлари китобнинг хулоса қисмида таъкидлашган. Шарҳни тайёрлаш жараёнида ҳуқуқшунос-олиmlар ва амалиёт соҳаси ходимлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга олиниб, умумлаштирилгани ҳам нашрнинг қимматли жиҳатидир.

Қонуннинг бобма-боб, модда-модда батафсил тушунтирилгани, атамаларнинг маъноси изоҳлангани китобхонга қонуннинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етишига ёрдам беради. Бундан ташқари, уни амалиётда тўғри қўллашга кўмаклашади. Китобни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят иш-ни юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида»ги Қонунига 2012 йилнинг 10 сентябрида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳам ҳисобга олинган.

Шарҳда нафақат ушлаб турилган ва қамокқа олинган шахслар, шунингдек қамокда сақлаш жойлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида ҳам атрофдаги маълумотлар берилган. Нашр олий юридик таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талаба ва тингловчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-

лари ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Шу ўринда ИИВ ИХҚҚ ва ЮТБ ходимлари томонидан тайёрланган яна иккита рисола билан сизларни таништирамоқчи эдик. «Ички ишлар органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» услубий қўлланмасида соҳа ходимларининг фаолияти билан беvosита боғлиқ бўлган халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати берилган. Шунингдек, унга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, келишиш ва қабул қилиш қоидалари» ҳам киритилган.

Ушбу услубий қўлланма авваламбор ИИВ тизимининг қонунчилик тарғиботи билан шуғулланувчи ва юридик хизмат ходимларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш учун масъул бўлганларга, қолаверса барча ички ишлар органлари ходимларига мўлжалланган. Бундан ташқари, бошқарма ходимлари томонидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маълумотлари асосида тайёрланган «**Мухим маълумотлар, саналар ва рақамлар тақвими**» китобчаси ҳам ички ишлар идоралари ходимларига кундалик фаолиятида асқотиши шубҳасиз. Китобчадан муҳим саналар билан бир қаторда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг мухтасар мазмуни акс этгани, Юртбошимизнинг 1992 йилдан буён нашр этилган асарлари рўйхати, ички ишлар органлари фаолиятига тааллуқли қонунлар рўйхати, давлат органларининг сайтлари ва бошқа қимматли маълумотлар ҳам ўрин олгани айни муддао бўлган. Ушбу нашрлар ИИВ ИХҚҚ ва ЮТБ жамоасининг самарали фаолияти маҳсулидир.

Бобомурод ТОШЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

ИИВ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши жисмоний тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник Шукрулла Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

МУХТАБАР аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Сирдарё вилояти ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник Ўктам Болтабоевга турмуш ўртоғи, Сирдарё тумани ИИВ бошлиғи, капитан Фаррух Ўктамжоновга волидаи муҳтарамаси

Раъно БОЛТАБОЕВанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилояти ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Касби тумани ИИВ бошлиғининг ўринбосари, капитан Бахтиёр Жўраевга падари бузруквори, истеъфодаги катта сержант

Ботир ЖўРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

КЎЙ



Бутун ҳафта давомида моддий аҳволингизни яхшилашга ҳаракат қиласиз. Бунинг учун қатъият ва талабчанлик кўрсатасиз. Атрофингиздагиларнинг ҳаммаси сизнинг режангизга риоя этишларини хоҳлайсиз. Ҳатто уларга зуғум қилишдан ҳам тоймайсиз. Яна «Нега бошқалар мени тушунишмайди?» деб ҳайрон бўласиз. Бунақада мақсадга етишингиз жуда қимматга тушади.

СИГИР



Шу кунларда ниҳоятда фаоллик кўрсатасиз. Бир ишни якунига етказмасдан янгисини бошлаб юборасиз. Атрофингизда шунчалик кўп қизиқарли воқеалар юз берадики, ҳаммасидан бохабар бўлишга вақтингиз етмайди. Ўзингизни ҳар томонга ураверсангиз, тез орада чарчаб қоласиз. Шунчалик саъй-ҳаракат қилганингизга қарамай аниқ натижага эришингиз амри маҳол.

ЭГИЗАКЛАР



Ушбу ҳафтада зиммангизга ортиқча мажбуриятлар оласиз. Бирйўла ҳамма масалаларни ҳал этишни хоҳлайсиз. Аммо ҳар гал кимдир халал беради. Жисмонан анча чарчайсиз. Шахсий ҳаётингиздан қониқмайсиз. Атрофингизда юз бераётган воқеалар сизга зерикарли туюлади. Ёлғиз қолганингиз келади. Шунинг учун бўлса керак ҳатто дўстларингизнинг бирга дам олиш ҳақидаги таклифини ҳам рад этасиз.

КИСКИЧБАҚА



Яқин орада муҳим таклиф оласиз. Нима деб жавоб беришга қийналасиз. Шунда дўстларингизнинг маслаҳатлари туфайли аниқ бир қарорга келасиз. Обрў-этиборингиз ортади. Шу сабабдан ўзингизда бошқаларга тавсиялар беришга мойиллик сезасиз. Ҳамкорлик алоқаларингиз мустақамланади. Янги орттирган танишингиз кейинчалик ҳаётингизда муҳим аҳамият касб этади.

АРСЛОН



Майда-чуйда келишмовчиликларни ҳисобга олмаганда, шахсий ҳаётингизда жиддий кўнгилсизлик рўй бермайди. Одамларнинг ички дунёсини яхши билишингиз туфайли мураккаб вазиятлардан осонлик билан чиқиб кетасиз. Бу борада бошқаларга ҳам ёрдам берадиз. Дўстларингиз ва ҳамкасбларингиз ўртасидаги муносабатларни яхшилашда воситачилик қиласиз.

ПАРИЗОД



Турмуш ўртоғингиз билан муносабатларингиз ёмонлашиши мумкин. Қанчалик ҳаракат қилманг, бунинг сабабини топа олмайсиз. Қайси масалада хатога йўл қўйганингизни аниқлашга қийналасиз. Энг яхшиси воқеалар ривожига бўлар-бўлмасга аралашаверманг. Шунда кўзлаган натижангизга эришасиз. Чарчоғингиз ҳам тарқайди. Бошқаларга, айниқса яқинларингизга хушмуомала бўлинг.

ТАРОЗИ



Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, ушбу ҳафтада бўлажак умр йўлдошингизни учратмасангиз керак. Бошқалар билан алоқаларни мустақамлашга ҳаракат қиласиз. Ҳозир ўзаро муносабатларни ойдинлаштиришга уринмаганингиз маъқул. Акс ҳолда тушунмовчиликлар баттар чуқурлашиши мумкин. Агар келажакда ишонч билан қарасангиз, ҳаммаси яхши бўлади.

ЧАЁН



Ҳафта бошларида қатъият кўрсатишингиз, бошлаган ишингизни чала ташлаб кетмаслигингиз керак. Келгусидаги ютуқларингиз учун ҳозир замин яратасиз. Совға олишингиз ёки моддий фойда кўришингиз мумкин. Ҳафта охирида меҳнатингиз медаларидан баҳраманд бўласиз. Ҳафта турли тadbирларни ўтказиш, дўстлар билан мулоқот қилиш учун қулай. Дам олиш кунлари кўнгилли ўтади.

ЁЙ



Шахсий ҳаётингизда турғунлик даври бошланади. Умр йўлдошингиз билан бир-бирларингизни тушунишингиз қийин кечади, аммо жанжаллашиб қолмайсизлар. Иш фаолиятингиз эса самарали кечади. Ҳамкорларингиз билан учрашасиз. Муайян вақт раҳбарлик вазифасини бажаришингиз мумкин. Ўзингиз тўғри деб ҳисоблаган ишларингизни амалга оширишингизга ҳеч ким халал бермайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ



Келаётган ҳафтада шахсий ҳаётингиз ниҳоятда қизиқарли кечиши кутилмоқда. Агар ҳали турмуш қурмаган бўлсангиз, ушбу ҳафтада бахт юлдузингизни учратиш қолсангиз не ажаб. Ҳамкорлик алоқалари ўрнатасиз. Кейинчалик бу ҳамкорлик ривож топади. Куч-ғайратингиз жўшаётганига қарамай, шошма-шошарлик, қизиққонлик қилманг. Акс ҳолда қош қўяман деб кўз чиқарасиз.

КОВҒА



Анчадан буён чарчаб юрибсиз. Шу сабабдан иш фаолиятингиз қийинчилик билан кечади. Шунга қарамай анча-мунча ишларни якунига етказиб улгурасиз. Шахсий муносабатларингиз ривож топади. Кўпдан бери давом этиб келаётган зиддиятлар ниҳоят барҳам топади. Ўзингиз учун муҳим бўлган масалаларда бошқалар билан умумий фикрга келасизлар.

БАЛИҚ



Ҳафта қизиқарли ўтади. Ўзингиз учун кутилмаган воқеалар юз беради. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги одамлар билан танишасиз. Ҳойнаҳой, кейинчалик улар билан алоқаларингиз узилса керак. Нима қилишни, қандай йўл тутишни билмаган кезларингиз ички сезгингизга қулоқ тутинг. Атрофингиздагиларнинг маслаҳатидан эса эҳтиёт бўлинг. Чунки улар асл мақсадингизни билишмайди-да.